## ҚИШ ТОНГГИДА

*Машҳура туғруқ бошланганини биларди. Бироқ, сирни яшириш мақсадида ҳеч кимни ёрдамга чақирмади. Бола туғилганини биров сезиб қолмаслиги учун бошқа хонага ўтиб, ерга узала тушди. Ўзига-ўзи доя бўлиб, жой ҳам тайёрлади.*

6 бет

## ҚАБИҲЛИК

*Кўп ўтмай ўша шахсни тутиб келишди. Боласини ўғирлаб, пул талаб қилган шу экан. Аммо шу ёшгина йигитча келиннинг акаси эканлигини билгач эса, анқайиб қолди. Қудаларини эслади. Уларга ачинди.*

8 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 15-noyabr, №46 (827)


*Парламентда*

# Бюджет ва аҳоли бандлиги муҳокамаси

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
«Huquq»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталарининг 2013 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишларда маърузачилар томонидан Давлат бюджети лойиҳаси мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби устувор йўналишларни ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган муҳим вазифаларни изчил амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилганлиги эътироф этилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилишида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, бюджет харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари улушини 2012 йилдаги 59,0 фоиздан 2013 йилда 59,4 фоизгача ошириш назарда тутилганлиги алоҳида таъкидланди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилишида эса 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг — иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий ўзгартиришни чуқурлаштириш ва диверсификация қилиш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш объектларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш каби йўналишларига эътибор қаратилди.

Қўмиталар йиғилишидаги батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, 13 ноябрь куни Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг "2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури"нинг 9 ойлик ижроси юзасидан ахбороти ва "2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури" лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг муҳимлигини алоҳида эътироф этиб, унинг мамлакат парламенти даражасида қабул қилинаётганлиги, бундай дастур уникал ҳужжат эканлиги, дастурни бажариш нафақат барқарор иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашаётганлиги, балки фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ҳам таъминлаши, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида ҳисса қўшаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакили "2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури"нинг 9 ойлик ижроси юзасидан ахборот бериб, шу билан бирга, "2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури"нинг мақсади ва моҳияти юзасидан батафсил маълумот берди.

Таъкидланишича, 2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича жами 773 мингта ёки белгилангандан 28,5 мингтага кўп иш ўринлари ташкил этилди. Дастур параметрлари 103,8 фоизга бажарилди. Яратилган иш ўринларининг 486,1 мингтаси ёки 62,9 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилган.

Муҳим ҳисобланган мазкур масала депутатлар томонидан танқидий кўриб чиқилди ва Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.


## Обуна — 2013

### Ҳурматли юртдошлар!



2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 231


*Тадбир*

*Бухоро вилоят прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

Вилоят ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий Идоралараро комиссияси аъзолари иштирокида ташкил этилган тадбирда, аввало соҳага оид қарорларнинг ижроси юзасидан ахборотлар берилди.

Йиғилишда кун тартибидаги асосий масала бўйича Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ибодулла Нуровнинг маърузаси тингланди.

Кенгашда одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси йиғилиши қарорлари, ҳудудий комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш аҳволи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, унга қарши курашиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бир қаторда, бу йўналишдаги айрим камчиликлар таъкидлаб ўтилди.

Асосий эътибор жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, профилактик тадбирларни фаоллаштириш, тергов ишларини янада яхшилаш лозимлигига қаратилди.

Шунингдек, тезкор-қидирув ва излов фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда бу борада прокурор назоратини таъминлаш аҳволи муҳокама қилиниб, муайян ишлар амалга оширилгани билан бирга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга олиб келувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилиши, тезкор-қидирув ва изловни ташкиллаштириш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашда қонун талабларига қатъий риоя қилиш, бу йўналишдаги фаолият устидан прокурор назоратини янада кучайтириш, соҳада йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларига қонунда белгиланган чораларни кўриб чиқиш таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура, ички ишлар органларининг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

# Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишнинг дунё тажрибасида синалган ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бу йўлнинг моҳияти миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирувчи, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборатдир. Ўз навбатида, қабул қилинганининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз тараққиётнинг ушбу моделини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланди.

/Давоми 5-бетда/

*Сир эмас, истиқлол йилларида иқтисодиётнинг жадал суръатларда ўсиши таъминланиб, юртимизни иқтисодий ривожлантириш борасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Албатта, бунда иқтисодиётимизнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятига берилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий сектор вакилларининг фаолиятини ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.*

# Фаолият қалқони – қонун

**Ахроржон АСҚАРОВ,**
Бағдод туман прокурори

Бугун тадбиркорлик билан шуғулланаман, ўз бизнесимни йўлга қўяман, деган фуқаролар учун барча имкониятлар мавжуд. Бунинг учун хоҳиш, интилиш ва пухта ишланган режа бўлса кифоя. Энг асосийси эса, тадбиркорнинг фаолияти қонуний бўлиши даркор.

Бу борада Бағдод туман прокуратураси томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Кино-видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"-ги Қарори ижроси юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган фуқаронинг фаолиятига чек қўйилди.

Ўзини тадбиркор сифатида синаб кўрмоқчи бўлиб, лазер дисклар савдосини йўлга қўйган Иқбол Турсунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган), бунинг учун тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш орқали қонуний фаолият юритиш лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Натижада, лицензиясиз лазер дисклар савдоси билан шуғулланганлиги учун жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг қарорига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, ноқонуний фаолиятини яна давом эттирган.

Тадбир давомида И.Турсуновдан 6 турдаги 1 млн. 600 минг сўмлик турли мазмундаги 280 дона DVD ҳамда 172 дона VCD дисклари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди томонидан унга ЖКнинг тегишли моддалари билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундирган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига берилаётган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда қонуний фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланган. Сохта тадбиркорликка эса қонун изн бермайди.

# Фойда ортидан қувиб...

**Музаффар МАМАТМУРОТОВ,**
Қизириқ туман прокурори ўринбосари

*Сўнгги йилларда глобал муаммога айланиб, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган жиноятлардан бири — "аср вабоси" номини олган гиёҳвандликнинг борган сари урчиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш нафақат инсон соғлиғи ва хавфсизлигига, балки давлат ичидаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий, маънавий ва маданий негизига ҳам жиддий таҳдид солиши айни ҳақиқат.*

Ачинарлиси, бу иллат асосан ёшларни ўз домига тортмоқда. Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш Халқаро ассоциациясининг маълумотларига қараганда, бугунги кунга келиб гиёҳванд эркакларнинг ўртача ёши 31, аёлларники эса 28 ни ташкил қилади. Уларнинг 77 фоизи 39 ёшдан катта бўлмаган шахслар бўлиб, ярмидан кўпроғи 15-19 ёшли ўсмирлар экан.

Бу иллатнинг инсон организми учун энг зарарли ва хавфли томонларидан бири, агар бирон шахснинг спиртли ичимликларни муттасил истеъмол қиладиган аҳволга тушиб қолиши учун ўртача икки йилдан олти йилгача муддат керак бўлса, гиёҳвандга айланиш учун атиги бир ярим-икки ой кифоя қилар экан.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, аввало, гиёҳвандлик воситаларини экиб етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш каби жиноятларга қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалга ошираётган ишлари, хусусан, Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан бу йўналишдаги прокурор назорати аҳволи мунтазам ўрганилиб, ҳайъат йиғилишлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашлари ва тезкор йиғилишларида муҳокама қилиниб, қатъий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, ўтказилаётган ана шундай тезкор тадбирлар натижасида Қизириқ туманидаги ўзи яшаётган уй ҳовлисидан алоҳида томорқа тайёрлаб, ўзига хос "деҳқончилик" билан шуғулланаётган Муҳиддин Алламуродовнинг фаолиятига чек қўйилди.

Атрофи ўралган ер майдони 4,6 кв. метрни ташкил қилган бўлиб, бу ерда 64 тупда 156 бош ўткир ҳидли, яшил рангли ўсимлик парваришланаётгани аниқланган ва текшириб кўриш учун холислар иштирокида ашёвий далил сифатида расмийлаштирилган.

Вилоят ИИБ ЭКБнинг хулосасига кўра, ушбу ўсимлик, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган опийморфий, кодеин, тебаин алколоид гуруҳига мансуб ўсимликлар туркумига кириши кўрсатилган.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаганидек, ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилган М.Алламуродовга суд томонидан қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида бир ҳолатга эътибор қаратишни лозим, деб топдик. Дейлик, шунча ер майдонига рўзғор учун керакли бирор сабзавот тури экилганида, анчамунча ҳосил йиғиштириб олинган бўларди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг мутахассислик хулосасига асосан эса, М.Алламуродовнинг томорқасида ўтказилган мониторинг текшириш натижаларига кўра, ўсимлик экилишидан олдин ерга пухта ишлов берилгани, сўнгра вақтида суғорилиб, бегона ўтлардан тозалаб турилганидан ташқари, шох-шабба лар билан атрофи ўралиб, ҳатто эски гилам ва бошқа матолар билан ён томони билан усти ҳам ёпиб қўйилганлиги маълум бўлди.

Салкам 50 ёшни қоралаб қолган М.Алламуродов буни яхши биларди. Аммо фойда келтирадиган ишдан қочиб, меҳнатини шамолга совурди. Устига-устак, жиноий жавобгарликка тортилиб, нафақат ўзи, балки оила аъзоларига ҳам ташвиш келтирди.

# Жазосини олишди

**Фаруддин АЛИЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бектемир туман бўлими катта инспектори

*Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, миллий валютанинг қадр-қиммати ва аҳоли фаровонлиги кўп жиҳатдан давлат валюта заҳирасининг қудратига боғлиқ. Шу боис валюта муносабатлари давлат эътиборидаги масалалар сирасига киради.*

Сўнгги йилларда юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2003 йилнинг 15 октябрида жорий операциялар учун сўмни эркин алмаштириш йўлга қўйилганлиги ва республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларида чет эл валютасини эркин айирбошлаш бўйича 1800 дан ортиқ шохобчалар фаолият кўрсатаётганлиги, шундан 600 га яқини Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашганлиги фикримиз тасдиғидир.

Бироқ, шунга қарамасдан, қонунга хилоф равишда даромад олишни кўзлаб, ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, валюта маблағларини ғайриқонуний тарзда олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келаётган кимсаларнинг ҳанузгача учраб туриши ачинарли ҳолдир.

1981 йилда туғилган Рафаэл Абдеев ва 1984 йилда туғилган Эмил Мурадасиловлар ҳам ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига валютафурушлик ортидан мўмай пул топишни мақсад қилишган экан.

Улар вақти келиб, ноқонуний қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррарлигини билсалар-да, бу йўлдан қайтишни исташмаган.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бектемир туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Р.Абдеев ҳамда Э.Мурадасиловлар ноқонуний равишда фуқаро Г.Абдуллаевага 10 минг 800 АҚШ долларини сотганликлари аниқланиб, валютафурушлар ашёвий далиллар билан ушланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг ҳукми билан валютафуруш йигитлар қонуний жазоларини олишди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, валютафурушлик йўли билан мамлакатимиз иқтисодиётига путур етказишга ҳаракат қилаётганлар, эртами-кечми тегишли жазоларини олишади.

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, валютага оид жиноятчиликка қарши нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки мамлакат фаровонлигини истовчи ҳар бир фуқаро кураш олиб бориши керак. Валютафурушларнинг ноқонуний фаолиятини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш эса юрт равнақига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

*Бўлимимиз томонидан яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида режали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Юқори тўлаш" қишлоғида ўтказилган тадбирда фуқаро Қ.Маллаев ғайриқонуний равишда чигитдан ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани аниқланди. Маълум бўлишича, турар жой қуриш учун ажратиб берилган ер участкасида молхона қуриб, мол-қўй боққан Қ.Маллаев, кейинчалик қўлбола ясалган дастгоҳни айнан шу молхонага ўрнатган ва мойжувозда пахта ёғи "ишлаб чиқаришга" киришган.*

# Молхонада... мойжувоз

**Н.АШУРБОЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи

Қирқ саккиз яшар Қ.Маллаевнинг ер участкасидаги молхона холислар иштирокида кўздан кечирилиб, қўлбола усулда ясалган дастгоҳ, 87 килограмм чигит, 27 килограмм чигит ва ерёнғоқнинг аралашмаси, 13 литр қўлбола тайёрланган пахта ёғи, 17 килограмм кунжара, 20-30 литрли темир ва пластмасса идишлар ашёвий далил сифатида олинди. Қўқон санитария-эпидемиология назорати маркази қўлбола усулда тайёрланган пахта ёғи истеъмолга яроқсиз эканлиги, истеъмол қилинса, ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида хулоса берди.

Қ.Маллаев пахта ёғини сотиш учун тайёрламагани, хонадонидан ташқарига чиқармаганини айтиб, жиноий қилмишини хаспўшлашга уринди. Гўё, мойжувозда фақат кунжара тайёрлаб, чорва молларига бериб турганмиш. Емни ташқарига сотмабди. Фақат бир нотаниш киши олтита қопда чигит олиб келиб, кунжарага алмаштириб беришни илтимос қилганида, йўқ, дея олмаган. Ўша чигитдан ўзининг чорва моллари учун ем-кунжара тайёрлаган, холос.

Олинган ашёвий далиллар эса "ишбилармон" айнан сотиш учун қўлбола ёғ ишлаб чиқарганини кўрсатади. У бундан уч йил аввал ҳам ўзи яшаб турган хонадонида қўлбола пахта ёғи ишлаб чиқаргани учун жиноий жавобгарликка тортилган эди. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна яширинча фуқароларнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган пахта ёғи тайёрлашга киришган Қ.Маллаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судда кўриб чиқилди. Унга икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидай, яширинча, ғайриқонуний равишда сифатсиз, киши соғлиғига зиён етказувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган кимса борки, фош этилмай қолмайди. Хусусан, Яйпан шаҳрида яшовчи Фарҳод Абдураҳимов ҳам ўзи яшайдиган уйда қўлбола дастгоҳ ўрнатиб, чигитдан ёғ ишлаб чиқара бошлаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан яширин иқтисодий фаолиятларни фош этиш мақсадида ўтказилган тадбир натижасида, бу "тадбиркор"нинг ҳам яширин фаолиятига чек қўйилди. Холислар иштирокида хонадондан 42 килограмм қўлбола усулда тайёрланган пахта ёғи, ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ва анжомлар ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, Ф.Абдураҳимов томонидан электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, ёғ ишлаб чиқариш мобайнида туман электр тармоқлари корхонасига салкам 500 минг сўмлик зарар етказилгани ҳам аниқланди. У ўзини оқлаб, сотиш учун ёғ ишлаб чиқармагани, дастгоҳни ўзининг чорва молларига ем-кунжара тайёрлаш учунгина аҳён-аҳёнда ишлатганини рўкач қилди. Бироқ, қўзғатилган жиноят ишидаги ҳолатлар, ашёвий далиллар у айнан бозорда сотиш учун антисанитария ҳолатларида сифатсиз ва киши саломатлиги учун хавф туғдирувчи пахта ёғи тайёрланидан далолат беради. Бу суд жараёнида тасдиқланди ва Ф.Абдураҳимовга ҳам аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.



# Ҳуррият ва озодлик тимсоли

Моҳинур МУҲАММАДИЕВА,
ТДЮИ талабаси

***Юртимизнинг улуғвор бинолари ва кошоналари узра мовий, оқ ва яшил рангларга чулғаниб, Ватан рамзи, эрк ва озодлик тимсоли бўлган байроғимиз ҳилпираб турибди. Бу — давлатнинг асосий рамзларидан бири, расмий, бошқа давлатлардан фарқловчи белгиси. Байроқнинг тасвири қонун ёки Конституция билан белгиланиб, у давлат суверенитети, тинчлиги ва барқарорлигини ифодалайди.***

Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилиданоқ мамлакат суверенитетининг муҳим белгиси — Давлат байроғига эга бўлди. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бош Қонунимизнинг 5-моддасида мамлакатимиз давлат рамзи — байроғига эга бўлиши ўз ифодасини топган.

Юртимиз давлатчилиги тарихида қадимдан байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат ва ғалаба тимсоли бўлган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида давлат туғи (ўрта асрларда туркий халқлар орасида байроқ туғ, деб аталган) адолат, буюк кучқудрат рамзи ҳисобланган. Жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли баҳодирларга байроқ ишониб топширилган. Қўлида байроқ тутиб, араб истилочиларига қарши жангга кирган бобомиз Нажмиддин Кубро тенгсиз савашларда ҳалок бўлса-да, чангалида маҳкам тутган ҳурлик яловини ҳеч ким ололмаган. Шу боис давлат байроғини муқаддас билиб, кўзга суртадилар, унинг қаршисида тиз чўкадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, турар жой биноларида;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда кўтарилади.

Шунингдек, давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистоннинг тимсоли сифатида ҳилпираб туради. Буларнинг барчаси Ватанимиз шаъни, халқимиз ғурур ва ифтихорининг ёрқин ифодасидир.

Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида, давлатимизнинг хорижий мамлакатлардаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бинолари олдида ҳилпираб турган, миллий ҳаво лайнерларига тасвири туширилган Ўзбекистон байроғи барчамизда фахр-ифтихор, шукроналик ҳиссини уйғотади.

Байроғимизда янги чиқиб келаётган ой ва ўн икки юлдуз тасвирланган. Унинг бутун узунлиги бўйлаб тўқ мовий ранг, оқ ва тўқ яшил ранглар ҳамда қизил ранг ҳошия чизиқлари чизилган. Унда акс этган ҳар бир ранг, белги юртимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, бебаҳо қадриятларимизни ва Ватанимизнинг буюк келажагини ифода этади.

Ҳар куни эрта тонгда ишга, ўқишга ёки бирор юмушга отланар эканмиз, Мустақиллик майдонидан ўтаётганимизда Президент қароргоҳи, Ҳукумат уйи ва Сенат биноси узра давлатимиз байроғи ҳилпираб турганини кўрамиз. Байроғимиз баланд экан, давлатимиз барқарор, мустақиллигимиз музаффар, деган буюк ишонч вужудимизни қамраб олади. Шу куни бу ишонч бизга қанот бўлади — юксак орзулар сари учамиз, ғайрат бўлади — енг шимариб белгиланган режаларимизни иштиёқ билан амалга оширамиз, журъат бўлади — сафдошларимизни, дўстларимизни катта мақсадларни амалга оширишга йўллаймиз.

Дунёда миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп. Лекин Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона, у халқимизнинг ғурур ва ифтихори тимсолига айланган. Буни бугун ҳаммамиз — хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, юракдан чуқур ҳис этмоғимиз лозим. Унинг қадр-қимматини кўтариш ўзини шу юртнинг фарзандиман, деб билган ҳар бир кишининг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчидир. Хусусан биз — ёшлар давлатимиз байроғига чексиз ҳурмат ва садоқат билан муносабатда бўлмоғимиз лозим. Шунда мустақиллигимиз янада мустаҳкамланиб, Ватанимиз байроғи мангу ҳилпираб тураверади.

***Матбуотда Юртбошимизнинг жорий йил 22 октябрда "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниши иқтисодиётнинг асосий кучига айланиб бораётган қишлоқ мулкдорлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.***



# Фермерлик фаолияти — янги босқичда

Бекзодбек МИРЗАКАРИМОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Шу ўринда яқин тарихимизга назар ташлаб ўтсак. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ қишлоқ хўжалигининг жамиятда тутган ўрни муҳим эканига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон буюк келажак сари" асарида "Бугунги кунда қишлоққа ўзининг асл қадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ хўжалиги қайта туғилиши керак. Қишлоқ меҳнаткашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Деҳқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади", дея таъкидлаган эди. 90-йилларда илгари сурилган ва қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланишига йўл очган яна бир фикрга эътибор беринг: "Аграр сиёсатнинг асоси — давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечишдир".

Аслида мазкур даъват бугунга келиб иқтисодиётимизнинг таянчига айланган фермерларнинг пайдо бўлишига асос бўлган эди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги Фармони ана шу ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди. Зеро, бугунга келиб фермерлар қишлоққа саноатни олиб кириш, аграр секторнинг барча тармоқларини йўлга қўйиш орқали мингмингглаб иш ўринлари ташкил этиш ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Фармонда фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланганига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бугунги кун талаблари эса ана шу қатлам учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Фармонда бу соҳага комплекс ёндашувнинг аниқ ва равшан йўллари, бу борадаги муҳим вазифалар қатъий белгилаб берилди. Хусусан, ҳужжатларда энг аввало, ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишларини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб келаётган прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Фармонда шунингдек, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳудудларида янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш, ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, фармонда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг тугатилиши ва Фермерлар кенгашини ташкил этиш белгилангани, янги тузилма зиммасига фермерликни ривожлантириш, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш ва фермер хўжаликларининг мулкий муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун соҳага оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилгани айни муддао бўлди. Чунки бундай таклифларнинг айни шу соҳа вакиллари билан бир тану бир жон бўлиб иш олиб бораётган ташкилот мутахассислари томонидан тайёрланиши уларнинг ҳаётийлигини ҳам таъминлаб беради.

Бундан ташқари, фармонда Ўзбекистон Фермерлари кенгашига қуйидагилар энг муҳим вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

— фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда кўриб чиқилаётганда;

— фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва қайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очиқлик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

— кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда, томчилатиб суғоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;

— қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш.

Ушбу фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унинг 5-бандида Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари(ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам, "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон соҳани янада ривожлантиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Унинг кучга кириши эса фермерлик фаолиятини янада кенгайтириш, соҳага янги технологиялар ва саноатни жорий этиш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиб бериши шубҳасиз.

***Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг муҳим омили сифатида унинг бандлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ишини жонлантириш ва жавобгарлигини ошириш масалалари бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.***

# Аҳоли бандлиги – фаровонлик кафолати

**Ашраф ЖЎРАЕВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мутахассислар жалб қилинган ҳолда текширишлар ўтказилди. Аниқланишича, айрим ҳолларда юқорида қайд этилган қонун ва Республика Президентининг қарори ижросига масъулиятсизлик билан ёндашилиб, вилоятнинг айрим бандликка кўмаклашиш маркази масъул шахслари томонидан жамоат ишига жалб қилиш ва касбга ўқитиш учун йўналтирилган маблағлар талон-торож қилинган.

Хусусан, Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш марказининг масъул шахслари "Бунёдкор қурувчи Навоий" МЧЖнинг раҳбарлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқароларга вақтинча иш ҳақи тўлаш ва иш қидираётган даврда уларни ишсиз, деб эътироф этиш бўйича жамоат ишларига жалб қилишга йўналтирилган жамғарма маблағларидан 4 млн. 168 минг сўмини МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказганлар. Шу йўли билан 79 нафар ишсиз фуқаро жамоат ишига жалб қилинганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тузилиб, жамғарма маблағи ўзлаштирилган.

Шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш ўринлари яратиш учун ажратилган кредит маблағлари ўз йўналишларида сарфланмай, талон-торож қилинган ёки бошқа мақсадлар учун сарфлаб юборилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Жумладан, тикувчилик билан шуғулланиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли 5 фоизлик 3 млн. сўмлик кредит олган фуқаро Ш.Норқобилова бу маблағни белгиланган мақсадларга сарфлаш ўрнига, "Жамшид-Жаҳонгир-сервис" ХК ҳисоб рақамига ўтказиб бериб, нақдлаштирган ва бошқа мақсадлар учун сарфлаб юборган.

Бандликка кўмаклашиш маркази масъул шахслари томонидан аслида яратилмаган иш ўринларини ҳисоботларда сохталаштириш ҳолатлари ҳам аниқланди. Масалан, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан Зарафшон шаҳридаги "Амантайтау Голдфилдз" ҚК, "Зарафшон савдо бизнес", "Муҳаммад Фарид Зарафшон" МЧЖ ва "Гисар Зарафшон" хусусий корхоналарида ҳисоботларга 17 та янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақида сохта рақамлар киритилган бўлса, "Диллинг", "Зар Пласт Гранула", "Моҳитабон Зарафшон" хусусий корхоналари ва "Феска блок" МЧЖда 2011 йилда ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилмаган бўлса-да, марказ ҳисоботларида ушбу корхоналарда янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиши эвазига 138 та янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2011 йилда 33 та хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтган бўлгани ҳолда, Марказ мутасаддилари томонидан 141 та хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиши ҳисобига 812 та иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги сохта маълумотни ҳисоботларга киритиб қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Кармана туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда ҳам туман бандликка кўмаклашиш марказининг иш ўринларини яратиш бўйича ҳисоботларидаги сохталаштиришлар фош қилинди. Хусусан, марказ томонидан 2011 йилда 284 та ва 2012 йилнинг 6 ойида 224 та иш ўрни ҳисоботларида ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича тузилган ҳисоботларда ҳам ёлғон рақамларга дуч келинди. 2011 йилда 361 нафар ва 2012 йилнинг ўтган 6 ойида 389 нафар фуқаро ишга жойлаштирилганлиги ҳақида сохта ҳисоботлар тузилган.

Шу каби марказ томонидан 2011 йил ва 2012 йилнинг 6 ойида касаначилик асосидаги уй меҳнати асосида иш ўринларини яратиш бўйича ҳисоботига бир ярим йил мобайнида 141 та, шу даврда жамоат ишига жалб қилиш бўйича ҳисоботига 192 та ва касбга қайта тайёрлаш бўйича ҳисоботига 93 та ҳамда устоз-шогирдлик бўйича ўқитишга жалб қилиш бўйича ҳисоботига 93 та иш ўринлари қўшиб ёзиб келинганлиги аниқланган.

Бу ҳам етмагандек, бандликка кўмаклашиш маркази масъул шахслари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ҳам қонунбузилиши ҳолатига йўл қўйилгани текширишда маълум бўлди. Фуқаролар Н.Тихонов, А.Садиров, Л.Бобоева ва С.Жумаевларнинг аризалари ҳеч бир сабабсиз 2 ойдан 7 ойга қадар муддатда кўриб чиқмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тумандаги "Баркамол авлод" болалар марказида 2 та, "Офтомология" шифохонасида 3 та ва Саноат касб-ҳунар коллежида 8 та бўш иш ўринлари яширилганлиги аниқланиб, уларнинг раҳбарларига ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Э.Казаковга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, туман ҳокими номига тақдимнома киритилган.

Айрим ҳолларда бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан фаолияти тугатилган ва узоқ муддат давомида фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектларда ҳам янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги ёлғон маълумотлар ҳисоботларда акс эттириб келинган. Масалан, Учқудуқ туманидаги "Зарина бону сервис" хусусий корхонаси 2011 йилда тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган бўлса-да, туман бандликка кўмаклашиш марказининг 2012 йил 6 ой якуни ҳисоботига ушбу корхонада 6 та янги иш ўрни яратилганлиги ҳақида сохта маълумот киритилган. Шунингдек, Учқудуқ туманидаги "Иброҳим Матёқуб", "Махамбет қият" ва "Бауржан Алтин" фермер хўжаликлари жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам янги иш ўрни яратмаган бўлсалар-да, уларда 4 тадан янги иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги маълумотлар сохта экани фош этилди.

Юқорида қайд этилган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

# Намунавий уй-жойлар

## халқимиз фаровонлиги йўлидаги янги одим

**Фахриддин ДЖАМОЛОВ,**
Оқдарё туман прокурори

***Бугун юртимизнинг қайси ҳудудида бўлманг, замонавий турар жой биноларини қурилган массивларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кенг ва шинам уйлар, равон кўчалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.***

Бунинг яхши томони, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутнинг йўқолиб бораётганидир. Шу ўринда замонавий коммуникация тизимларига уланган массивлар қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг кўркамлиги, қулайлиги, шарт-шароитлари шаҳардагилардан асло қолишмаслиги кишини қувонтиради.

Бундай манзараларни Оқдарё туманида ҳам кузатиш мумкин. Бу каби хайрли ишлар туманда 2010 йилда бошланган эди. Ўша йилнинг ўзида туманнинг икки ҳудудида, яъни Янгиобод маҳалласи Қўшеғоч қишлоғида 20 та уй, Қирқдархон массивида эса 15 та уй-жой қурилган эди. Ўтган йили бу сингари ишлар давом этиб, Пўлатдархон маҳалласида яна 69 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар бунёд этилди. Шунингдек, бу ерда қисқа вақт ичида 140 ўринли мактаб, болалар боғчаси, замонавий қишлоқ врачлик пункти ва янги кўринишдаги маҳалла маркази, ошхона ва бошқа ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам қурилди ва бирйўла электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан тўлиқ таъминланди. Пўлатдархондаги намунавий уйлар учун вилоят "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан қарийб 5 млрд. 596 млн. сўм маблағ ажратилди. Бу ишларни тендерда ғолиб бўлган ўнга яқин хусусий қурилиш корхоналари олиб боришди. Айниқса, "Меъмор-Алишер-Кумушкент", "Гемостатик", "Исмоил-ҳамкор-сервис" каби хусусий корхоналар ўзларига бириктирилган уйлар қурилишини тўлиқ тугаллаб, ёруғ юз билан эгаларига топширишди.

Аммо, айрим қурувчиларнинг ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндашишлари оқибатида баъзи хонадон эгалари ўз вақтида уйларига кўчиб кира олмадилар. Жумладан, 2011 йил якунларига кўра, "Маржон-тех-престиж" МЧЖ 10 та, "Фарҳод-Бинокор-қурилиш" 7 та, "Пардаев Хайрулла" хусусий қурилиш корхонаси эса 6 та уй қурилишини якунига етказмади.

Оқдарё туман прокуратураси томонидан намунавий уй-жой ва бошқа объектлар қурилишида шаҳарсозлик, архитектура ва соҳага оид бошқа қонунчилик талабларига риоя этилишининг аҳволи устидан доимий назорат ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 мартдаги "2010 йилда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилган. Жумладан, жорий йилда Оқдарё тумани Қирқдархон қишлоғида 17 та қурилиш корхоналари томонидан тендер суммаси 18 млрд. 867 млн. сўмлик 169 та уй-жой қурилмоқда. Хусусан, жорий йилда 169 та уйларнинг барчасида ер тайёрлаш ишлари якунланган. Мазкур уйлардан 152 тасида пойдевор қўйиш ишлари тугалланган.

Бундан ташқари, 84 та намунавий уйларнинг тўсин девори ва пойдевор ишлари тугалланиб, 21 тасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Намунавий уй-жойлардан 61 тасининг ғишт териш ишлари ниҳоясига етказилган. Яна 43 тасида ғишт териш ишлари олиб борилиб, уйларнинг устига плиталар қўйилган.

Туман прокуратураси томонидан Қирқдархон қишлоғида ўтган йилда қурилган намунавий уй-жойларнинг аҳволи ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди. "Фарҳод-бинокор-қурилиш" хусусий корхонаси томонидан жами тендер суммаси 565,9 млн. сўмлик 7 та уй қурилиши белгиланган эди. Шартнома шартларида кўрсатилган 95 фоиз маблағ молиялаштириб берилган. Шунга қарамасдан, бу корхона томонидан ушбу уйларда ламинат тўшаш ишлари ниҳоясига етказилмаган, сантехника жиҳозлари тўлиқ ўрнатилмаган, ташқи тўсин деворларни сувоқ қилиш ва бўяш ишлари, қозонхона қурилиши ниҳоясига етказилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан "Фарҳод-бинокор-қурилиш" ХК раҳбари қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расмий равишда огоҳлантирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Оқдарё туман прокуратураси томонидан аниқланган кўплаб қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўриб борилмоқда. Хусусан, С.Нафасов 2010 йил 27 декабрь кунидан 2011 йил 1 март кунига қадар "Оқдарё бунёдкор қурувчи сервис" МЧЖнинг директори вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келган. У масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган. Ўтказилган вилоят танлов комиссиясининг 2010 йил 9 мартдаги йиғилиш қарорига асосан туманнинг Қўшеғоч қишлоғи ҳудудидан намунавий лойиҳалар бўйича дастлаб жами қиймати 1 млрд. 730 млн. 180 минг сўмлик 25 та якка тартибдаги уй-жойларни қурилиши бўйича ғолибликни қўлга киритади. 2010 йил 10 март куни буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси билан "Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир" пудрат шартномаси тузилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 мартдаги "2010 йилда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ушбу ҳудудда қурилиши режалаштирилган уй-жойлар сони қисқартирилган. Натижада вилоят танлов комиссиясининг 2010 йил 17 мартдаги йиғилиш баёнига асосан "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят филиали ва бош пудратчи "Оқдарё бунёдкор қурувчи сервис" МЧЖ ўртасида 2010 йил 10 мартда тузилган шартноманинг 3-бандига ўзгартишлар киритилади. Оқдарё тумани Қўшеғоч қишлоғи ҳудудида қурилиши режалаштирилган 25 та уй-жойлар 20 тага камайтирилиб, объектнинг қурилиш қиймати 1 млрд. 421 млн. 428 минг сўм, деб белгиланган эди. Объектни фойдаланишга топшириш муддати 2010 йил 10 октябрга қадар узайтирилиб, қурилиш ишларига ажратилган маблағлар пудратчига ишониб топширилади. Бироқ, у қурилиш давомида лойиҳа қарорлари ва меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини тўла ҳажмда, белгиланган муддатда ва сифатли бажариш чораларини кўрмайди. Ажратилган маблағлар пудратчи сифатида унга ишониб топширилганлигидан фойдаланиб, 2010 йил декабрь ойи ҳолатига "Бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-фактура"ни қалбакилаштиради. Ҳисоб-фактурага сохта маълумотлар киритиб, объектда жами 1 млрд. 439 млн. 622 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлса-да, гуёки объектда умумий қиймати 1 млрд. 445 млн. 908 минг сўмлик ишлар бажарилганлигини кўрсатади. Ўзининг имзоси билан тасдиқлаб, ҳисоб-фактуранинг "иш юритувчи" деган жойига жамиятга иш юритувчи этиб расмийлаштирилмаган Р.Муҳаммадиев номидан имзо қўяди. Аслида бажарилмаган 6 млн. 286 минг сўмлик ва сифатсиз бажарилган 581 минг 950 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини қўшиб ёзиб, сохта ҳужжатни буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Самарқанд филиалига тақдим қилади. Бу билан у катта ҳажмда давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилди ва айбдор тегишли жазога тортилди.

# Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

М.МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи

Бу эса фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали, таъсирчан ва демократик усулларидан бири бўлган суд орқали ҳимояни мумкин қадар кенгайтириш, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишни тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши мамлакатимизда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида таъкидлаганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилди. Бу борада, аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш билан бир қаторда суд томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Дарҳақиқат, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон, мабодо унда Конституция, қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Миллий қонунчилигимизда ҳам судлар томонидан инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни кафолатлашга қаратилган қатор нормалар мавжуд. Хусусан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилди. Қонуннинг 2-моддасида судга шикоят берилишига лойиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар) назарда тутилган бўлиб, унга кўра, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) мулкига фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган; фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган; фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) кириши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилиши, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг суд амалиётида кўпчиликни ташкил этишига олиб келди. Ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан қилинган шикоятларни судларда кўриш амалиётида келиб чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 1996 йил 19 июлда "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Пленум қарорида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган тартибда ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган давлат органларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини амалга ошириш учун ташкил қилинган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кириши юзасидан тушунтириш берилди. Шунингдек, ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш мумкин бўлган ўзини ўзи бошқариш органларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ҳудудларда ўз ваколатларига кирадиган масалаларни мустақил ҳал этишни таъминлаш учун тузиладиган ҳар қандай органлар кириши назарда тутилди.

Шу ўринда, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси жамиятда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга, фуқаролар ва ташкилотларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли кафолатлашга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Конституциямизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатловчи муҳим норманинг мустаҳкамлаб қўйилиши 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига "Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш" деб номланган янги 3-кичик бўлимнинг киритилишига асос бўлди.

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда процесс иштирокчиларининг муносабатлари давлат бошқаруви органларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўриладиган ва бу тўғридаги шикоятлар фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина судга тааллуқли бўлади. Фуқароларнинг иштироки билан боғлиқ бу каби ишларни кўриш ва ҳал этишнинг суд тартиби судсиз, маъмурий тартибда кўриладиган ишларга нисбатан муайян устунликларга эга бўлиши фуқаролик ишларининг тўғри ҳал қилиниши учун муҳим кафолатлар яратилганлиги, фуқаролар, давлат ва бошқа идораларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қўриқланиши билан фарқланади. Қонунчиликда давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятлардан давлат божининг шикоят бериш вақтида эмас, балки суд ҳал қилув қарори чиқарилгач, айбдор шахслардан ундирилишининг белгиланиши суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги Қарори билан "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан ундириладиган энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдоридаги давлат божи камайтирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бараварига туширилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини янада такомиллаштириш ва бу борада кенг имкониятлар яратиш ҳисобланади. Ўз навбатида, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш, фуқароларга ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд идораларига мурожаат қилишлари, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорлари устидан юқори инстанция судларига шикоят қилишлари учун кенг имкониятлар яратиб берувчи миллий қонунчилигимизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Фуқароларга суд қарорлари устидан шикоят қилишлари ва ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари учун қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг 37-боби "Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ажримлари устидан апелляция шикояти бериш (протест келтириш)" деб номланди. Кассация институтининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Эндиликда суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текширувни қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс доираси янада кенгайтирилди.

Давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилиб, кассация ислоҳ этилганлигига тўхталар экан, фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлганлигини, шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлади. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармонида фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритиш топширигининг берилиши ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш ҳамда ушбу кафолатлардан фойдаланиш имкониятларини тобора кенгайтириш масалаларининг ниҳоятда долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда қабул қилинган қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳаётий нормалар ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижаси ўлароқ қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишларни амалга оширишдан асосий мақсад одамларнинг судларга инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдан иборатдир.



# Қиш тонггида

Фарҳод АРСЛОНОВ,
Қарши туман прокурори
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Ниqиq»

*...Машҳура (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ошхонада идиш-товоқ ювиб юрган кезлари шу ердаги қурилиш ишларини бажариб юрган Ботирнинг ўзига эътибор билан қараётганини пайқаб қолди. Қиз бу ҳолни кўриб, кўрмасликка олар, йигит билан дуч келиб қолганда ўзини панага тортарди. Йигит эса уни кузатишни канда қилмасди. Озроқ вақт ўтгач, гап тортмай Машҳурага севишини айта бошлади. Бора-бора қизнинг ҳам кўнглида унга нисбатан мойиллик уйғона бошлади. Баҳор эмасми, ҳамма ёқ ажиб гўзалликка бурканган. Бундай лаҳзаларда киши кўнглининг муҳаббатга ошно бўлиши табиий. Йигитнинг чўрткесарлиги ёқдими, Машҳура Ботирни севиб қолди. Осмон қадар орзулар, аҳду паймонлар қизнинг ақлини буткул ўғирлади. Қишлоқ жойи эмасми, гап-сўз кўпайишидан қўрқиб, пана-панада учрашиб юришди. Севгидан сармаст қиз туйғуларини бировга айтишдан чўчир, бахтига кўз тегишидан қўрқарди. Ёлғиз сирдоши синглиси бўлди. Ботирнинг кўнглида эса батамом бошқа истак ҳукмрон. Содда қизни ҳавойи гаплар билан авраб, мақсадига эришиш учун қулай пайт изларди.*

— Машҳура бугун кечқурун учрашмаймизми? — Ботирнинг саволи қизни ўйга толдирди. Йўқ, деса севгилисини хафа қилиб қўйишдан ҳадиксиради. Иккинчи томондан учрашув вақтини тунга белгилаганидан хавотирга тушди. Ботир қизнинг кўзларига илтижо билан тикилди. Қўрқув ва ҳаяжондан кўра севгилисига бўлган меҳр қизни учрашувга етаклади. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳовлисининг четида, қоронғуликда бир-бирининг пинжига тиқилиб турган икки кўланкани ўшанда биров сезиб, биров сезмаганди.

— Сени севаман, — пичирлади Ботир қизни бағрига босар экан. — Ҳали шунақа тўй қилайликки, ҳамманинг ҳаваси келсин.

Қиз индамагани сари ҳаддидан оша бошлаган йигит унинг қўлидан тутиб, ўзига маҳкам тортди. Машҳура қаршилик кўрсатишга уринди. Бироқ Ботирнинг эҳтиросли нафаси таъсирида ўзини йўқотди. Пайтдан фойдаланган йигит мақсадига эришди. Уларнинг бу оқшомдаги "ишқ ўйинлари"га осмондаги юлдузлару, уятдан булутлар ортига беркинган ойгина гувоҳ бўлди. Аммо қизнинг йигитга бўлган муҳаббати ва ишончи шу тундан бошлаб унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

— Нега мендан ўзингни олиб қочаяпсан? Айтдим-ку, сенга уйланаман деб. Шунда ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади.

Кейинги учрашувда ҳам Ботир Машҳурани ёлғон ваъдалари билан аврай бошлади. Орада 2-3 бор яна ўша жойда учрашишди.

Кунларнинг ўтиши Машҳурани хавотирга сола бошлади. Негадир кўнгли айниб, безовта бўларди. Унинг хавотири бежиз эмас экан. Ҳомиладорлиги ҳақидаги илк хабарни ҳам Ботирга айтди. Бироқ йигит энди бутунлай ўзгарган, аввалги ҳаяжонли гап-сўзлардан асар ҳам қолмаган эди. Турмушга чиқмасдан фарзанд орттириш ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уйдагилари билиб қолса нақ ўлдиради-я! Машҳуранинг қўрқуви ошди.

— Болани олдириб ташла, — Ботирнинг гапи қизни каракт аҳволга солиб қўйди. — Буни ўзим ҳал қиламан.

Негадир йигит Машҳурага бефарқдек, бўлиб ўтган ишга ўзининг алоқаси йўқдек тутаётганди. Кейин эса қиздан узоқлашишга ҳаракат қилди. Машҳурага ҳам боладан воз кечиш муаммони ечишнинг энг осон йўлидек кўринди. Аро йўлда қолган қиз йигитга қўнғироқ қилиб, боладан тезроқ қутулишга ёрдам беришини сўрай бошлади. Ботир ҳар гал бу "иш" билан ўзи шуғулланишини айтиб, ёлғон ваъдалар берарди. Кейинчалик қизнинг қўнғироқларига ҳам жавоб бермай қўйди.

Қиз бола бировнинг хасми, дейди халқимиз. Муносиб учраса узатиб, зиммасидаги вазифани адо этиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бироқ ёлғон ва риё аралашса, оилага дарз кетади. Машҳуранинг уйидан ҳам совчиларнинг оёғи аримай қолди. Оила катталарига узоқ қариндошлари, Ҳамдамнинг совчилари маъқул келди. Бу хусусда Машҳурадан сўрашганида у розилигини билдирди. Чунки кун ўтган сайин қорнидаги ҳомиласи катталашиб, айбини ошкор қилиб қўяётгандек эди. Сирининг фош бўлишидан қўрқиб турган бўлса-да, таваккал қилишни маъқул кўриб, яна ҳаётини ёлғон билан бошлади. Яшириб юргани оддий нарса эмаслигини билса ҳам, бу ҳақда ўйлашни истамади. Тўй ҳам кўнгилдагидек ўтди. Бу орада Машҳуранинг ҳомиласи ҳам 5 ойлик бўлди. Ҳамдам хотинида ҳеч қандай камчилик кўрмади. Кунларнинг бир зайлда ўтиши Машҳурани бироз тинчлантирди. Қиш бўлганлиги сабабли қалин кийиниб юрарди. Фурсати етиб бўйида бўлганлигини оила аъзоларига етказди. Келиннинг асл ҳолатидан бехабарларнинг эса қувончи чексиз эди...

***Гўдакнинг овози тинган кун***

2012 йил 6 февраль куни тонгда Машҳура белида оғриқ турганини сезди. Наҳотки ой-куни яқинлашган бўлса! Эрини ўқишга жўнатиб, оғриқ ўтиб кетишини кутиб ётди. Ҳовлида қайнопасини кўриб буйрагим оғрияпти, бироз дам оламан, дея уйга қайтиб кирди. Бешдаги оғриқ зўрая бошлади. Машҳура тўғруқ бошланганини биларди. Бироқ, сирни яшириш мақсадида ҳеч кимни ёрдамга чақирмади. Бола туғилганини биров сезиб қолмаслиги учун бошқа хонага ўтиб, ерга узала тушди. Ўзига-ўзи доя бўлиб, жой ҳам тайёрлади. Оғриқ зўрайгандан зўраяр, унинг кўз олди қоронғулашиб борарди. Жони азобда қолган бўлса-да, овозини чиқармади. Оғриқ вужудини чирмаса ҳам хаёлини боладан қандай бўлса-да қутулиш кераклиги банд этганди. Унинг хом хаёлида фақатгина шу йўл билангина оиласини сақлаб қолиши мумкин эди. Назарида вақт ҳам тўхтаб қолгандек бўлди.

...Охири бола туғилди, ёнида турган қайчи билан Машҳура унинг киндигини кесди. Бироз нафас ростлаб, чақалоққа термулди. Одатда она фарзандини қўлига олганида дунёда ўзидан-да бахтли одам йўқдек туюлади. Бироқ Машҳура нима учундир ўзида бундай туйғуни ҳис этмади. Ерда ётган гўдак йиғламас, ҳатто қимирламас ҳам эди.

Машҳура бола ўлик туғилди, деган хаёл билан уни аввалдан тайёрлаб қўйилган латтага ўрай бошлади. Онанинг қўли тегиши билан бола чинқириб йиғлаб юборди. У дунёга келганидан хушнуд бўлиб жар солгандир, балки. Бироқ бу йиғи Машҳуранинг назарида уйни титратиб юборди. Боланинг тириклигидан даҳшатга тушди. Биров эшитиб қолмаслиги учун ўралган латта билан чақалоқни бўғиб, ерга босди. У қилаётган ишининг қанчалик даҳшатли эканлигини ўйлаб ҳам кўрмади. Инсон каттаю кичик, ҳаётга ташна бўлади. Хоҳ чақалоқ бўлсин, хоҳ катта ёшда, яшашни истайди. Тирикликка интилади. Буни қаранги, гўдак ҳам яшашни қанчалик истамасин, онасининг қабиҳ чангалидан қутулишга ожизлик қилди. Кучи йиғига етди, холос. Борган сари она баттар важоҳатга тушиб, чақалоқни қаттикроқ бўға бошлади. Боланинг овози тинди. Мижжаларида қотган кўз ёши ҳам онасининг тош қотган қалбидаги музни эрита олмади.

"Гуноҳим нима эди? Шундай тақдирни раво кўрар экансиз, мени нега дунёга келтирдингиз, онажон? Ахир сизнинг қалбингизга қувонч олиб кириш учун дунёга келган эдим-ку! Мендан нима ёмонлик кўрдингизу ўз қўлингиз билан ўлдирдингиз. Онажон, яшашни қанчалар истаган эдим-а! Ахир мен ҳам умид билан дунёга келган эдим-ку! Энди менсиз қандай яшайсиз, онажон!" Гўдакнинг ноласи бўғзида қолди...

***"3 ойлик ҳомила" ҳаммасини фош этди***

Қайнопаси хабар олгани кирганида Машҳура ундан бироз чўчиди. "Ишқилиб сезмаган бўлсин-да", деб ўйлаб, бурчакдаги целлофан пакетга разм солиб қўйди. Бироз аввал дунёга жар солган, бироқ ношуд онасининг бемеҳрлиги қурбонига айланган норасиданинг жасади ана шу пакетда турганлигини ҳеч ким пайқамади. Ҳамдам уйига келиб, хотинининг ранги бир аҳволда эканлиги сабабини сўради. Машҳура навбатдаги ёлғонни тўқиди. Қорнидаги уч ойлик ҳомиласи ҳожатхонада тушганлиги ва шунинг учун бироз соғлиғи бўлмаётганлигига эрини ишонтирди. Бундан хабар топган қайнонаси келинини дарҳол шифохонага етаклади. Шифокорлар Машҳурага даволаниши зарурлигини айтишган эди, у эътироз билдириб, онасиникига кетмоқчилигини айтди. Содда қайнона келинининг бу ҳолатини нобуд бўлган фарзанди изтиробига йўйиб, уни онасиникига бошлаб борди. Қайнота-қайнонасининг уйларига қайтар маҳали, Машҳура қайнотасига уйининг бурчагидаги жасад солинган пакетни бирор жойга кўмиб ташлашини тайинлайди. Шу иш хамирдан қил суғургандек битса, ҳаммаси яна изига тушиб кетишига Машҳура ишонарди.

...Зокир ака уйига қайтгач, келинининг гапи ёдига тушиб, аввалига ҳожатхонани кўздан кечирди. Сўнгра уларнинг уйига кирди. Кўзи ҳеч нарсани илғамагач, уйнинг бурчагида турган, келини айтган пакетни олиб ташқарига чиқди. Ҳовли четида чуқур кавлаб, кўмиб қўйди. Бироқ, туман гинекология бўлимида текширувдан ўтаётганида Машҳуранинг сири ошкор бўлиб қолди. Тўғриси, воқеалар ривожи у кутганидан буткул тескари томонга бурилиб кетганди.

— Қизингиз ўз вақти-соатида фарзанд кўрган. Бола қаерда?

Шифокорнинг бу гапи Машҳуранинг онаси билан эрини каракт аҳволга солиб қўйди.

— Қанақасига? Ахир тўйимиз бўлганига энди тўрт ой бўлди-ку! Ҳазиллашманг, хотинимнинг уч ойлик ҳомиласи тушди.

Ҳамдам шифокордан эшитганларининг ёлғон бўлишини жуда-жуда истарди.

— Бола қаерда тушган?

— Ҳожатхонада.

— Ука, хотинингизнинг тўққиз ойда кўзи ёриган. Бола қаердалигини айтмасангиз милицияга хабар берамиз.

Улар уйга қайтишганида ИИБ ходимлари аллақачон етиб келишган эди. Чақалоқ билан боғлиқ саволга жавоб беришга улар бироз қийналишди. Келини айтган пакетни кўмган жой Зокир аканинг ёдига тушмаганида муаммо бироз чигаллашиб кетиши ҳам мумкин эди. Кавлаб олинган пакет очиб кўрилганда Зокир аканинг ҳуши бошидан учаёзди...

Инсонга ҳеч ким онасидек меҳрибон, ҳимоячи бўлолмаса керак. Ҳатто ҳайвонлар ҳам, паранда-ю даррандалар ҳам зурриётини катта қилиш учун жон бериб, жон олади. Дунёда тирноққа зор инсонлар озми? Уйида чақалоқ йиғисини эшитишни истаб, бор дунёсидан кечишга тайёрлар-чи? Кўз олдингизга келтиринг-а, болангиз товонига кирган зирапча сизнинг юрагингизга оғриқ бермаганмиди? Боласини шўхликлари учун бироз койиган оналар бундан афсусланиб, кўздан пана жойда йиғлаб ўтирганини кўп кўрганмиз. Бироқ боласини ўз қўли билан яшашдан маҳрум қилиш учун... Билмадик, бу ҳолатга таърифнинг ўзи бўлмаса керак.

# Ака-ука жанжали

Музаффар ҚИЛИЧЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

Пахтачи туманининг Бўстон маҳалласида яшовчи Садин Турдиевнинг олти нафар ўғли ва бир нафар қизи бор. Ўқиб, тайинли бир ишнинг бошини тутмаган ўғиллардан бири — Фазлиддиннинг тарбияси сал бўшроқ бўлдими, ҳар қалай, ўғрилик қилиб, судланиб чиқди. Ундан кейинги ўғли Дилшод эса бошқача, ўқимаган бўлса ҳам бир ҳунарнинг бошини тутди. Нон ёпиб, бозорда сотар, оила даромадига муносиб улуш қўшарди. Аммо Фазлиддин судланиб ҳам ўзгармади, қайтага жиззакилик қилиб, сал нарсага уришиб кетадиган одат чиқарди. Айниқса, укаси Дилшод билан ҳеч чиқишолмасди. Улар ўртасида кунора бўладиган жанжал одат тусига кирди. Ана шундай жанжаллардан бири фожиа билан тугади.

Ўша куни Дилшод Зиёвуддин шаҳарчасида яшовчи Учқун акадан нонга буюртма олди.

— Ука, тўй қилаяпман, анчагина нон ёпиб беришинг керак.

Улар ноннинг миқдори ва нархини келишиб олгач, Дилшод айтилган вақтда нонларни етказиб беришга ваъда берди. Шу сабаб, эрталабдан кечгача нон ёпиб, айтилган манзилга етказиб берди. Кейин акасига юзланди:

— Фазлиддин, фойдамизга буюртмадан анча нон ортиб қолди. Улар совуб қолмасидан биронта харидор топиб, сотиб юборсак яхши бўларди.

Фазлиддин унинг фикрига қўшилиб, иккаласи харидор топиш мақсадида шаҳарча марказига йўл олишди. Аммо харидор топишолмади. Бироз кайфиятлари тушганча, ортларига қайтишар экан, йўлда танишлари Алишерни учратиб қолишди. Учаласи овқатланиш учун шу атрофдаги ошхоналардан бирига киришди. Кайфиятларини кўтариш учун икки шиша коньяк олиб, ичишди. Ошхонадан чиқишганида анча кеч бўлиб қолганди. Алишер уйига кетди. Холи қолган ака-укалар йўлда келишаётганда арзимас сабаб билан яна жанжаллашиб қолишди. Оғзаки айтишув сал ўтмай муштлашувга айланди. Охир-оқибат, кўйлаклари йиртилиб, юзлари кўкарган ака-укалар уйга кириб келишди.

Афсуски, жанжал шу билан тугамаган эди. Уйда — оила аъзоларининг кўз ўнгида ҳам давом этди. Бир-бирини аёвсиз уриб-тепаётган жўжахўрозларни на ота-она ва на бошқа ака-укалар ажрата олишди. Тобора вахшийлашиб бораётган Фазлиддиннинг кўзи новвойхона эшиги олдида ётган бир ярим метрлар чамаси узунликдаги арқонга тушди. У арқонни олиб, Дилшодни бўға бошлади. Кўп ўтмай, Дилшод қимирламай қолди. Уни ҳушидан кетди, деб ўйлаган оиладагилар кўтариб, уйга олиб киришди. Бироз вақт ўтиб, ҳолидан хабар олиш учун уйга кирганларида Дилшоднинг жони узилган, танаси совуб қолганди.

Арзимас сабаб билан жанжал қилиб, укасининг ҳаётига зомин бўлган Фазлиддинга суд ҳукми билан узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

*Тўсатдан пичоқни бўйнига қадади. "Қайтадан телефон қил. Дадангга ойлик иш ҳақимизни олиб турибмиз, деб айт".*

# Сердаромад тузоқ



**Илҳомжон ВАЛИЕВ,**
Бувайда туман прокурори ёрдамчиси
**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
«Huquq»

Унинг ўзга чораси йўқ эди. Қўл телефонида "Кеча озроқ кайфим бор эди, Эмин ака ойлигимизни бериб турибди. Ишлатиб қўйиб, жўнатолмадим", дея отасини хотиржам қилди-ю, ўзидан нафратланди: "Қачонгача ярамаснинг ноғорасига ўйнайсан? Тупурмайсанми, башарасига!" Эмин "бу бошқа гап", дея масхаромуз тиржайганида, ғазабини аранг ичига ютди. Айб ўзида. Пуч ваъдаларга учди-ю, тузоққа тушди. Қўли ишга бормаяпти. Бироқ, ишламаса бўлмайди. Ҳеч бўлмаса қайтишга, йўлкирага пул берар!

Музаффар уни танимас эди. Икки йил аввал, август ойи ўрталарида Бувайдадаги чойхонада ўтирганида Тўда қишлоғилик Зоиржон одам ёллаб, Россияга ишга жўнатаётгани ҳақида эшитиб қолди. Уни топиб, гаплашди.

— Дадам, укам Сардор, қариндошларимиз Прибалтикада ишлашяпти, — деди Зоиржон. — Яқинда Рустамжонни уларнинг олдига жўнатиб юбордим. Яхшигина пул топишяпти.

— Қанақа иш қилишади?

— Прибалтика денгиз бўйи, соҳилдаги дўконларнинг атрофини тозалайсиз. Минерал сув ташиб, тарқатасиз. Борсангиз, дадам кутиб олади. Ётоғингиз, емишингиз тайин. Аммо, дастлабки икки-уч ой иш ҳақингиздан 100 долларини — ётоқхона, озиқ-овқат ҳақини дадам олиб туради. Агар яхши ишласангиз, 400 доллардан 700 долларгача ойлик оласиз.

Музаффар сафарга отланди. Самолётга билет олгани Зоиржонга 500 минг сўм берди. У паспортини олиб, виза очтирди. 10 сентябрь куни Зоиржон ишга ёллаган Низомжон ва Алижонлар билан Тошкент аэропортига келиб, самолётда Сочи шаҳрига учишди. Музаффар географиядан хабардор эди. Болтиқбўйи ўрнига Қора денгиз соҳилидаги курорт шаҳарга учганликлари учун аввал ҳайрон бўлди. Кейин, ҳозир қишки олимпиадага тайёргарлик кўраётган Сочи шаҳрида иш тўлиб-тошиб ётган бўлса керак, дея пулга кўмилажагига ўзини ишонтирди. Ойлик олгунига қадар, дастлабки пайтлардаги харажатларига яраша 400 минг сўмча пули бор эди. Сочи аэропортида уларни Зоиржоннинг дадаси Эмин ака кутиб олди. Такси ҳайдовчисига тўлайман, дея ҳар биридан минг рублдан йиғди. Аммо Сочи бир ёқда қолиб, Абхазия пойтахти — Сухуми шаҳрига бурилишди. Чегарада муаммо туғилмади, паспортларига кўз югуртириб, ўтказиб юборишди. Қора денгиз соҳилидаги шаҳарнинг чекка даҳасида, кўпқаватли уй олдида тушиб қолишди. Иккинчи қаватдаги 4 хонали квартира лиқ тўла. Беш-олти нафар эркакдан ташқари, уч нафар нотаниш аёллар ҳам бор. Улар билан кўришиб, танишиб олди. Тор жойда томоша, деганларидай, ўн икки киши тўрт хонали уйда тунаб қолишди. Кимдир каравотга, кимдир полдаги тўшакка чўзилди.

"Подъём". Тонг саҳар Эмин ака уйғотди.

— Рўйхатга қўйдириб қўяман, — дея паспортларини йиғиб олди.

Алижон иш ҳақидан сўз очди.

— Ўғлингиз Зоиржон етти юз доллардан оласизлар, деганди... — унинг гапи оғзида қолди.

— Иштаҳанг карнай-ку, ука, — Эмин ака сўкинди. — Бекорларни айтибсан, ҳеч кимга ҳеч қанақа ваъда бермаганман.

Эмин ака Алижон билан Музаффарни бузилаётган дўконга бошлаб борди. "Ҳозирча, шу иш. Эгаси билан келишиб қўйганман". Бир неча кун ўтиб, "ишбоши" уларни тоғ этагига бошлади. Бетон қўпоришди. Оч-наҳор, қора терга ботиб ишлашди. Кунлар ўтиб борар, бироқ иш ҳақидан дарак йўқ. Пулдан сўз очишса, Эмин ака дўқ-пўписа билан оғизларига урарди. Кейин уларни Элёр деган муштумзўрнинг қўлига топширди.

— Ўн беш минг рублдан иш ҳақи оласизлар. Икки минг рублини мен, уч минг рублини Элёр олиб қолади.

Улар тонг отмасдан кўча супуришар, машинага ахлат ортишар, Элёр нима буюрса, қилишга мажбур эдилар. Иш ҳақларини сўрашса, тутоқиб кетарди. Ундан қутулиб, бошқа жойдан иш топай, дейишса, паспортлари, пуллари йўқ. Алижон билан Низомжон иш ҳақларидан ҳам воз кечиб, жуфтакни ростлаш пайига тушишди. Айёрлик ишлатишди.

— Телефонга сим карта оламиз, паспортимизни бериб туринг.

Паспортлари қўлларига теккан заҳоти ғойиб бўлишди. Бировларнинг уйида йўлкирага яраша пул топиб, уйга йўл олишди. Эмин ака уларни тополмай, аламини бошқалардан олди. Йигитларни эшик-деразалари кўчириб кетилган, ахлатхонага айланган ташландиқ уйга элтиб қўйди.

Совуқ, сассиқ ахлатхонада ётиб-туриш, ит азоби эди. Рустамжон ижара уй топиб, қарзга 5 минг рубл берди. Учаласи бирга яшаб, Элёр топган жойларда ишлашаверди. Орадан тўрт ой ўтди. Эмин акадан иш ҳақини сўрашди. У Элёрдан оласанлар, дея гапни қисқа қилди. Сўнгра, Ўзбекистонга, уйига кетиб юборди. Бироқ Элёр сариқ чақа ҳам бермади. Паспортларини қўлларига қайтариб, "ўзларинг иш топиб, ишлайверинглар", деди. Музаффар йўлкирага 10 минг рубл сўраб олди. Минг азобда Фарғонага, уйига қайтиб келди.

Чув тушган Музаффар ва шериклари Эмин Коразаковдан иш ҳақларини тўлашни талаб қилишди. Яхшиликча бермаслигига кўзлари етгач, тегишли органга мурожаат этишди. Э.Коразаковга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда барча далиллар жамланиб, иш судга юборилди.

Суд мажлисида 1964 йилда туғилган, Бувайда тумани Тўда қишлоғилик Э.Коразаков таниш ва нотаниш фуқароларни алдаб, Абхазиянинг Сухуми шаҳрига чақириб олгани, паспортларини олиб қўйиб, ҳақ-ҳуқуқсиз кимсалар сифатида оғир ишларда ишлатиб, иш ҳақларини бермагани, уларни Элёр деган кимсага сотиб юборгани ўз тасдиғини топди. У қилмишига яраша жазоланди. Жабрланувчи А.Худайбердиев, Н.Искандаров, А.Маҳкамовларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганн инобатга олинди. Шунингдек, ундан жабрланувчилар М.Махсудовга 2 минг 200, З.Каримовга 2 минг 400 АҚШ доллари миқдорида етказилган зарар (иш ҳақи) ундириладиган бўлди.

# Кампирнинг дарди ғўзада...

## ёхуд ишбилармон қариянинг макри

*Ўша куни бозордан уйига қайтаётган Давроннинг эътиборини катта-катта иккита сумка кўтариб, тирбанд расталар орасидан инқиллаб-синқиллаб кетаётган кампир ўзига тортди.*

**Рустамжон АБДУЛЛАЕВ,**
Андижон туман прокурори
**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
журналист

— Келинг хола, юкингизни кўтаришиб юбораман, — деди Даврон онахоннинг олдига келиб.

— Вой, айланай, умрингдан барака топ, болам, — дея қувонганича ҳожатбарор йигитни алқай кетди онахон. — Шу десанг, невараларимга товуқ сотиб олгандим. Жонивор, бирам оғир эканки...

Даврон Маҳбуба аянинг юкларини автомашиналар турар жойигача кўтаришиб борди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб, яқиндан танишиб олишди.

Маҳбуба ая Асқарованинг ёши 75 дан ошган бўлса-да, ёшлардек ғайратли эди. Даврон билан гаплашиб ўтирар экан, йигитнинг салкам 14 йилдан буён гиёҳванд моддалар истеъмол қилишини билиб олди.

— Ука, мен сизга чекишингиз учун керакли пайтда наша топиб бераман, — деди Маҳбуба ая кутилмаганда. — Агар хўп десангиз, бир иш қиламиз. Сизга қирғизистонлик эски танишларимдан гиёҳванд моддалар олиб, чегарадан олиб ўтиб бераман. Сиз "мол"га харидор топасиз.

— Қандай бўларкин?

— Қанддай бўлади. Бирга бизнес қиламиз. Сизга битта гугурт қутидаги нашани 110 минг сўмдан етказиб бераман. Уни кимга, қандай қилиб, қанақа нархда сотиш ўзингизга ҳавола, — деди Маҳбуба ая кўз қисганча. — Аммо... ҳали ёш экансиз... Ҳаётий тажрибангиз ҳам кам. Ўзингизга эҳтиёт бўласиз. Келишдикми?

Даврон аввалига иккиланиб қолди. Бироқ онахоннинг далда ва маслаҳатларидан сўнг ўзига ишончи, яшашга бўлган иштиёқи ўн чандон ортиб кетди. Йўлдан тилла топиб олгандек қувониб:

— Гап бўлиши мумкин эмас, қўлни ташланг, ая! — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди...

Шундай қилиб, Маҳбуба ая олаётган пенсиясига, фарзандларининг топган-тутганига қаноат қилмай, мўмай даромад топиш илинжида "операция"га киришди. Жорий йилнинг 23 февралида Даврон Мирзамаҳмудов Маҳбуба аянинг қўлига 3 млн. 500 минг сўм пул тутқазди. Ая эса Пахтаобод туманининг Маданият қишлоғи ўрамида жойлашган айланма йўллар орқали давлат чегарасини ажратиб турувчи сим тўсиқ остидан белгиланган тартибни бузиб, Қирғизистон ҳудудига ўтди. "Мол"ни олгач, божхона назоратини четлаб, Ўзбекистон ҳудудига қайтди.

Ая режаси амалга ошаётганидан мамнун эди. Аммо у йўловчи сифатида чиққан машина Избоскан туманининг Эркин қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги "Зилола" жамоатчилик назорати масканига етиб келганида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уларни тўхтатиб, аяни "икки оғиз" суҳбатга чорладилар. "Суҳбат"дан сўнг аянинг манзили тайин бўлди. Ундан қорнига боғлаб олиб келаётган 880, 48 грамм "гашиш" гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил тариқасида олинди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди ўзининг одилона ҳукмини ўқиди.

# «Қўрқоқ» олдин мушт туширди

*Йилдан-йилга кўчаларимизда қаторлашиб кетаётган автомобилларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Табиийки, ушбу ҳолат йўл патруль хизмати ходимларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулиятларини янада оширишни талаб этади.*

**Отабек ҚОСИМОВ,**
Яккасарой туман
прокуратураси терговчиси

Ахир, беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамма ҳайдовчилар ҳам бир хил эмас-да! Айниқса, айрим ҳайдовчиларнинг тегишли қоидаларга риоя қилмаганликлари етмаганидек, баъзида автомашиналарини маст ҳолатда ҳам бошқаришдан тап тортмайдилар. Бундайлар, нафақат ўзларини, балки ўзгаларнинг ҳам саломатлиги-ю ҳаётини ҳам хатарга қўяётганликларини тушуниб етмайдилар.

2009 йилнинг 25 декабрь куни Тошкент шаҳридаги кафеларнинг бирида 1975 йилда туғилган Олим Орипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) таниши Олеся Петрова билан ўтириб, спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Лекин, улар кўп ўтмай автомашина бошқариб кетишлари лозимлигини унутишганди.

Хуллас, тунги соат 2:00 ларда кафедан маст ҳолда чиққан О.Орипов билан О.Петрова бундай аҳволда автотранспорт воситасини бошқариш мумкин эмаслигини жуда яхши билишса-да, бунга амал қилишни исташмади. О.Петрова ўзига тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашинага ўтириб, уни ўт олдирди ва шитоб билан қўзғалиб, газни босди. Ҳамроҳи О.Орипов йўловчи сифатида унинг ёнидаги ўриндиқдан жой олган эди.

О.Петрова маст бўлганлиги боис, тезликни меъёридан ошириб, йўл ҳаракати қоидаларини эсидан чиқарди. Тезлик натижасида, бошқарувни йўқотиб, Мирзо Улуғбек тумани Х.Орипов кўчасидан Мустақиллик кўчаси томон ҳаракатланиб, хизмат вазифасини ўтаётган Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ милиционери Зокир Умбетов бошқарувидаги "Нексия" русумли хизмат машинасини туртиб юборади. Қилғиликни қилиб қўйган О.Петрова ва О.Ориповлар воқеа жойидан қочишга уринишади. Вазиятни тушунган З.Умбетов ҳамкасби ЙПХБ ходими Дилшодбек Тўхтаназаров билан қоидабузарларни тўхтатишга ҳаракат қилишади. Аммо, ҳушёрликни йўқотган икки шахс инспекторларнинг ишораларига бўйсунмай, Яккасарой туманидаги Ивлев кўчасига кириб, автомашинани тўхтатишади-да, ходимлардан яширинишади. Уларнинг изларини йўқотмай, узоқдан кузатиб бораётган инспекторлар қоидабузарларни тезда топишди.

Д.Тўхтаназаров О.Петровадан қонун талаблари асосида автомашинанинг ҳужжатлари билан ҳайдовчилик гувоҳномасини сўрайди. "Қўрқоқ олдин мушт кўтарар" деганларидек, О.Петрова ҳужжатларни тақдим этиш ўрнига милиция ходимларини ахлоқсиз сўзлар билан ҳақоратлаб, Д.Тўхтаназаровга нисбатан куч ишлатади. Машинадан тушган О.Орипов эса жанжални тўхтатиш ўрнига, қуюшқондан чиқиб, "сенлар ким бўлибсанлар, ҳужжат талаб қиладиган", деганча ички ишлар ходимларига ташланади. Натижада, уларнинг хизмат кийимларини йиртиб, хизмат автомашинасига ҳам зарар етказади.

Белгиланган тартиб-қоидаларни менсимаган бу шахслар охир-оқибат қонун олдида бош эгишга мажбур бўлдилар. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг ҳукми билан улар ўз жазоларини олишди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳайдовчилик доимо ҳушёрликни талаб этишини, йўллардаги автомобиллар ҳаракатини тартибга солувчи светофорлар билан турли йўл белгилари эса сизу биз — инсонлар ҳаёти хавфсизлигининг кафолати эканлигини унутмаслигимиз шарт.



# Қабиҳлик

**Ашир КАРАКЕТОВ,**
Олмазор туман прокурори ўринбосари

***Мана бир ҳафта бўлибди-ки, Умиджон ўзида йўқ хурсанд. Бўлмасам-чи, ахир кечагина мактабга отаси ёки акалари қўлидан етаклаб олиб бориб қўйишарди. Бу йил у 4-синфга чиқди. Шу муносабат билан отаси унга ишонч билдириб, ёлғиз ўзини ўқишга жўнатадиган бўлди. Мустақилликка ўргансин, деди. Бундан унинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди. Ҳарқалай катталарнинг қаторига қўшилди-да! Тўғри, икки-уч кун чўчигандек бўлди, аммо кейин ўрганиб кетди. Уйидан чиқиб, маршрут автобусга ўтиради-да, метронинг "Чилонзор" бекатигача келади. Кейин ер ости йўлидан ўтиб, мактабга етиб олади. Ўқиш тугагач, яна шу йўл билан уйига қайтади.***

Мана бугун ўқишнинг 10 куни. "Папка"сини орқасига ортганича, мактабга отланди. Кўчага чиқса, отаси маҳалладаги уч-тўрт танишлари билан суҳбатлашиб турибди. Умиджон уларнинг ёнидан қўлини кўксига қўйганча, салом бериб ўтар экан, отасининг "Ҳа, мактабгами? Яхши бориб кел. Эҳтиёт бўлгин!", деган гапига бошини қимирлатиб қўйди. Назарида уни кўрган кишилар отасига қараб, "Қобилжон, ўғлинг кап-катта йигит бўлиб, ўзи мактабга борадиган бўлиб қолибди-я!", дейишаётгандек туюлиб, боши кўкка етгудек бўлди. Жилмайиб қўйиб, бекат томон шаталоқ отганча, югуриб кетди. Манзилга етай деганда, шундоққина олдида "Матиз" автомашинаси тўхтади. У айланиб ўтмоқчи бўлган эди, машинанинг ён ойнаси туширилиб, "Ҳа, Умиджон полвон, ўқишгами?" — деган овоз эшитилди. У "ҳа" дегунча, орқа эшик очилди.

— Ўтир, ўқишингга олиб бориб қўяман! Отангни хабари бор...

Ҳозиргина ўзининг катталар сафига қўшилганини ўйлаб, қувончини ичига сиғдиролмай кетаётган болакай бу таклифни эшитгач, мактаб олдида машинадан тушишини, буни кўрган синфдошларининг эса оғзи очилиб қолишини кўз олдига келтирди-ю, улар томон қадам босар экан, тўсатдан тўхтади. Отаси бегоналар билан гаплашмагин, деган эди-ку! Аммо ўша ондаёқ олд ўриндиқда ўтирган, қора кўзойнак таққан йўловчини келинойисининг укасига ўхшатди-ю, устига-устак, "отангни хабари бор", деган гапдан сал бўлса-да, хотиржам бўлиб, орқа эшикни очди. У ўтирган заҳоти, машина юриб кетди...

* * *

Қўшнисининг тўй ошидан қайтган Қобилжон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўчада уч-тўрт маҳалладошлари билан бироз гаплашиб тургач, уйига йўл олди. Ичкарига киргач, тўнғич ўғли бир йигит уй телефонига кетма-кет қўнғироқ қилиб, уни сўраганини, йўқлигини билгач, қўл телефони рақамини олганини айтди. Қобилжон керак бўлсам, ўзи қўнғироқ қилар, деган хаёлда бу гапга унчалик аҳамият бермади. Кўп ўтмай, қўл телефони жиринглади. Рақами кўринмайди. У телефонни шошилмай қулоғига тутар экан, "Ҳа, мен. Эшитаман?!", деди-ю, зум ўтмай эсанкираб, йиқилиб тушаёзди.

У ўзини базўр тутиб, бир четга чўккалар экан, айни дамда қулоқларига ишонмас, эшитган гаплари ёлғон бўлишини чин дилидан истарди. Бир кўнгли ўқдек учиб, ўғлининг мактабига боришни ҳам ўйлади. Бироқ, шу заҳоти бу фикрдан қайтди.

"Ҳеч қаерга хабар қилманг, деди-ку! Борсам, шов-шув бўлиб, ҳамма бу гапдан хабар топади. Аммо қанақасига... Ахир ҳозиргина Умиджонни кўчада кўрди-ку! Ўғли салом бериб, мактабга ўтиб кетди. Биринчи марта бораётган бўлмаса... Йўқ, нимага ўзи уни олиб бориб қўймади-а? Машинаси тайёр бўлса..."

Ота бояқишнинг хаёли минг бир кўчага кириб чиқар, нима қилишни билмас, ўз ёғига ўзи қовуриларди. "Хотинига айтай деса, бу шум хабардан ўзини ташлаб юбориши мумкин. Катта ўғилларичи? Аммо улар нима ҳам қилиб бераолишарди?! Телефон қилган ким бўлди экан?! Эй, Худойим, ўғлимни ўзинг асра! Шошма-шошма, нима деди? Юз минг "кўкини" тайёрланг, дедими? Болагинамни соғ-саломат кўриш учун бундан-да кўпроғини беришга тайёрман, бироқ шунча пулни қаердан оламан! Ё биров ҳазиллашдими? Ундай деса, ўғлига телефонни бериб, овозини эшиттиришди"...

У нима қилишни ўйлай-ўйлай охири бир қарорга келди-да, машинасига ўтириб, тегишли идора томон рулни бурди...

* * *

Қорасув мавзесидаги уйлардан бирининг олдига келиб тўхтаган "Матиз" автомашинасидан тушган йигит юқорига кўтарилиб, эшиклардан бирини тақиллатди. Ичкарига киргач, стулга ўтирган заҳоти, унга эшик очган йигитга гап қотди:

— Хўш, Равшанбой, қачонгача бу ерда яшириниб ўтирмоқчисан? Ота-онанг ҳам қидириб юришгандир?!

— Ҳайронман, Олим ака, — деди мезбон унга жавобан. — Уйдан олган пул ҳам тамом бўлай, деб қолди.

— Бунақа олди-орқасига қарамай ишлатганларингдан кейин сенларга пул етказиб бўлармиди? Ўзи қанча олган эдинг?

— Кўп эмас, 4 миллион сўм билан 3 минг АҚШ долларидан сал кўпроқ...

— Нима, шу кўп эмасми? Бир ҳафтада шунча пулни йўқ қилдиларингми? Айтмоқчи, хотинчанг қани?

Бу гапни эшитган йигитнинг жаҳли чиқди-ю, ўзини базўр босиб, тўнғиллади:

— Сизга нима? Олган бўлсам, ўз уйимдан, отамни пулидан олганман. Жойига қайтариб ҳам қўяман. Кейин-чи, хотинчанг, деб кесатманг. Керак бўлса, никоҳ ҳам ўқитиб оламан. У бечораям мен билан сарсон бўлиб юрибди.

— Ҳа, кўча кўрган аёл шунча пули бор бойваччани топганидан кейин, қаёққаям кетарди. Майли, қизишма. Бу сени "проблеманг". Энди гапга қулоқ сол. Минг қилганда ҳам, бегона эмас, жиянимсан. Буёғига нима қилмоқчисан? Отамга пулни қайтараман, дейсан, аммо қаердан оласан?

— Шу масалада сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Бир иш қилсак, нима дейсиз?

— Нима экан?

— Биласиз, кино жиннисиман. Яқинда Россиянинг "Қасос", "Ўйин" деган сериалларини кўргандим. Ўшанда бир фикр уйғонганди. Хуллас, бирорта бойвачча одамни топиб, боласини ўғирлаймиз-у, пулини олиб, боласини қайтариб берамиз...

Равшан шундай дея, уни ўйлаб қўйган режаси билан таништирди. Гап орасида бой одамни топиб қўйганини ҳам қистириб ўтди. Айтишича, опасининг қайнотаси жуда ҳам бой бўлиб, шу одамнинг 10-11 яшар кенжа ўғлини мўлжалга олибди. Аниқроғи, бола эрта билан мактабга кетаётганида машинага ўтқазиб, бирор пана жойга олиб боргач, отасига қўнғироқ қилишни, ундан пул сўраб, пулни олгандан кейин болани унга қайтариб беришни режалаштирибди.

— Бу ишда машинангиз жуда асқотади. "Тем более" бировни номида. Ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Нари борса, бир кунда битирамиз. Қарабсизки, отамни пулидан ҳам қутуламан, бошқа жойдан уй олиб чиқиб кетаман ҳам.

Равшан у деди, бу деди, охири Олимни кўндирди. Икковлон яна бир бор нима иш қилишлари кераклигини обдон ўйлаб олишди.

— Мана ака, иш деган бундай бўлибди, — тузган режалари ҳар иккаласига ҳам маъқул келгач, гап бошлади Равшан. — Биламан, Қобилжон аканинг пули жудаям кўп. 100 минг доллар сўрасак бўлади. Боласи учун "шесть секунд"да топиб беради. Пулни олгач, 50 мингдан бўлашиб оламиз. Эртами-индин мактабда ўқиш бошланади. Бирга бориб, болани уйидан чиқишини кузатамиз. Кейин, ишга киришамиз...

Шундай қилиб, 7 сентябрь куни эрта билан соат 6:45 ларда "Матиз" русумли автомашина Қобилжонларнинг уйи яқинида пайдо бўлди. Орадан 25 дақиқалар ўтгач, кўча бошида "папка" кўтарган бола кўринди. Равшан "бу ўша", дегандек, Олимга имо қилди. Ўзини кузатишаётганидан умуман хабари бўлмаган болакай уларнинг ёнидан ўтиб кетди. "Матиз" ҳам йўлга тушди. Хуллас, Умиджон автобусга чиқиб, керакли бекатгача боргач, ундан тушиб, мактабга кириб кетгунча "Матиз" ҳам унинг орқасидан пойлаб бораверди.

Шу куни улар яна бироз айланиб, боланинг отасидан пулни оладиган жойни қидиришди. Равшаннинг режасига кўра, бу жой бегона кўздан йироқ, тинч бўлиши керак эди. Ахийри, Тошкент ҳалқа йўлига чиқиб, қарама-қарши томонда жойлашган маҳалла ичкарисидаги маккажўхори экилган майдоннинг ёнида жойлашган қаровсиз бинони танлашди.

— Олим ака, мана, жойни ҳам топдик. Энди гап бундай, бола мени танимаслиги учун қора кўзойнак тақиб оламан. Уни машинага олганимиздан кейин отаси билан гаплашаман. У пулни бу ерга олиб келиб, айтилган жойга қўйгач, оламан-у, сизга қўнғироқ қиламан. Сиз болани бошқа бирорта машинага ўтқазиб, уйига жўнатиб юборасиз...

Эртаси куни болани пойлаб, режани яна бир бор пухта қилиб олишди-да, 9 сентябрни "операция" куни қилиб белгилашди. Бироқ, 9 сентябрда Олимнинг зарур иши чиқиб қолиб, у ишни яна бир кунга суришни сўради. Шу куни кечқурун Равшан ўзининг телефонидан қўнғироқ қилишдан чўчиб, ўзи билан бир ҳафта яшаган қиздан ҳар эҳтимолга қарши қўл телефони топиб беришни сўради. У нимага, деб сўраган эди, ота-онамдан қочиб юрганлигимни биласанку, улар қаерда эканлигимни билиб қолишмаслиги учун, дея жавоб берди.

Телефонни қўлга киритгач, тонг отар-отмас Олимга қўнғироқ қилди. У билан учрашиб, белгиланган жойга етиб келишди-да, кута бошлашди. Кўп ўтмай "ўлжа" кўринди. У йўл ёқалаб келар экан, Олим машинани ҳайдаб, шундоққина ёнгинасида тўхтатди. Бола машинага ўтиргач, Олим унга юзланди:

— Умиджон, манави акангни бир жойда иши бор экан. Ўша ерга борамиз-у, кейин сени мактабингга олиб бориб қўяман.

Автомашина шаҳар ҳудудидан чиқиб, бироз юргач, тўхтади. Равшан ташқарига чиқиб, Қобилжонга қўнғироқ қилди:

— Ака, исмим Абубакир. Ўғлингиз Умиджон ҳозир биз билан. Агар уни тирик кўришни истасангиз, бир соатдан кейин 100 минг АҚШ долларини мен айтадиган манзилга етказасиз. Аммо бирор жойга хабар қилишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Унақада ўғлингизни тирик кўрмайсиз. Гапимга ишонмасангиз, мана, ўзи билан гаплашинг.

У шундай, дея телефонни боланинг қулоғига тутди. Машинага ўтирган маҳалда хурсанд бўлган, бироқ мактаб бир ёқда қолиб, бошқа жойга кетишаётганидан қўрқиб кетган болакай, телефондан отасининг овозини эшитди-ю, йиғламсираганча "Дада, мен булар билан биргаман", — деёлди, холос.

— Болангизни овозини танидингизми? Энди айтганимни қилинг. Ўн дақиқадан кейин яна телефон қиламан...

Дарҳақиқат, ўн дақиқадан кейин яна қўнғироқ бўлди. Қобилжон айни пайтда унинг ёнида бунча пул йўқлигини айтиб, озроқ муҳлат сўраган эди, "Абубакир", яъни Равшан рози бўлди. Бироздан сўнг яна телефон жиринглади. Қобилжон шароитни тушунтириб, яна муҳлат сўради. Навбатдаги қўнғироқ бўлганда, гўшакдаги овоз таҳдид қилишга ўтди. Болани йўқ қилиб юбориш билан қўрқитиб, тезроқ ҳаракат қилишни тайинлади.

Хуллас, охирги телефон бўлиб, Қобилжон улар айтган пулни топганини айтиб, қаерга олиб боришни сўраган маҳалда вақт тушликка яқинлашиб қолган эди.

— Бу бошқа гап. Аммо билиб қўйинг, бирор жойга хабар қилган бўлсангиз, ўзингиздан ўпкаланг. Пулни топишни пайсалга солганингиз бизга шубҳали кўринди. Болангизни яхши кўрсангиз, бировга билдирмайсиз. Тушунарлими? Энди гапни эшитинг. Ҳозир пулни олиб, маҳаллангиз бошидаги "заправка"ни ёнига келасиз. Сизни кузатиб тураман. Кўрган заҳотим, қаерга қўйишни айтаман.

У пул солинган пакетни чангаллаганча, айтилган жой томон ошиқди. Манзилга энди келган ҳам эди, телефони жиринглади. Қўнғироқ қилган номаълум шахс, аввалига катта йўл томон юришни буюрди. Кейин, орқага қайтиб, ўнг томондаги кўчага бурилишни тайинлади. Қобилжон унинг айтганларини бажарар экан, нафас олиши қийинлашиб, бу ишларнинг тезроқ тугашини-ю, ўғилчасини тезроқ бағрига босишни ўйларди.

Орқа томони дала бўлган ташландиқ бино олдидаги ахлатхона ёнидан чиққач, телефондаги овоз пулни шу ерга ташлашни буюрди. Бироқ Қобилжон ўғлини кўрмасдан туриб, пулни қолдирмаслигини айтиб, сўзида туриб олди. Отани кўндиришга кўзи етмаган Равшан Олимга қўнғироқ қилиб, телефонни болага беришни тайинлади. Ота ўғлининг овозини эшитиши билан шошиб қолди: "Ўғлим, қўрқма, мен ҳозир сени олиб кетаман", деёлди, холос. Телефондан эса шу заҳоти номаълум шахснинг овози эшитилди:

— Ўғлингизни овозини эшитдингизми? Биз ваъдага вафо қиламиз. Энди сиз ҳам пулни ўша ерда қолдириб кетаверинг.

— Эй, йўқ! Пулни айтилган жойга олиб келдим. Энди боламни қўйиб юборсангларгина, ташлаб кетаман!

— Ака, сиз пулни ташлаб кетаверинг. Ўғлингизни уйига қўйиб юборамиз. Нима, бизга ишонмайсизми?

— Йўқ! Нима учун сизларга ишонишим керак?! Ўғлим уйга келган заҳоти пулни ташлаб кетаман. Тушунарлими?

Қобилжон шундай деган эди, телефон узилиб қолди. Бу ҳолатдан унинг азойи бадани музлаб, эсхонаси чиқиб кетаёзди. Нима қилиб қўйди-а?! Пулни ташлаб кетаверса, бўлмасмиди? Аммо, уларга ишонч борми? Ҳе йўқ, бе йўқ, куппа-кундузи ўғлини ўғирлаб ўтиришибди-ку!

У ўз хаёллари билан андармон бўлиб турар экан, тўсатдан дала бўйлаб қочиб кетаётган бир одамни кўриб қолди. Унинг ортидан бир неча киши қувлар эди. Кўп ўтмай ўша шахсни тутиб келишди. Боласини ўғирлаб, пул талаб қилган шу экан. Аммо шу ёшгина йигитча келиннинг укаси эканлигини билгач эса, анқайиб қолди. Қудаларини эслади. Уларга ачинди. Бу орада ўғли уйга кириб келгани ҳақидаги хабарни эшитди-ю, кўзларида ёш ҳалқаланди...

* * *

Қобилжон пулни қолдиришга кўнмагач, Равшан Олимга қўнғироқ қилиб, болани уйига жўнатиб юборишни тайинлайди. Ўз навбатида у бир машина тўхтатиб, болани ўтқазади-да, 5 минг сўм бериб, манзилни айтади. Равшан эса, ён-атрофда юрган бегона одамларни кўриб, қўрқиб кетади-да, қочишга тушади. Бундан шубҳаланган милиция ходимлари уни қувлаб, тўхтатишганда бор гапни айтиб беради. Кўп ўтмай, Олим ҳам ҳибсга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди бола ўғриларига нисбатан ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра, Р.Солиҳовга 11 йил, О.Жўраевга эса 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

# Ҳуқуқий ҳимоя – ривожланиш кафолати

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонуний манфаатини ҳимоя қилиш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва улушини ошириш учун муҳим омил ҳисобланади.***

Таъкидлаш жоизки, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан ўтказилаётган йиғилишларда назорат органлари раҳбарларига хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатлари ҳалигача учраб турганлиги кўрсатиб ўтилиб, ходимларнинг масъулиятини ошириш ва ноқонуний текширишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Таҳлилларга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит ва муҳит яратиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида 2012 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳар назорат органлари томонидан 37,6 мингта тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида 1037 та семинарлар ўтказилган. 151 та кўргазмалар ҳамда 2857 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил этилиб, 145 турдаги жами 30,3 минг нусхадаги қўлланма, буклет ва бошқа тўпламлар уларга етказилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 250 та "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" орқали жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ортиқча аралашувларнинг олдини олиш ва текшириш ўтказиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ўрганишлар ўтказилиб, уларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли чоралар кўрилди.

Комплекс чора-тадбирлар асосида ноқонуний текширишларнинг олдини олиш бўйича шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, Адлия ва солиқ бошқармаси масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, гуруҳ томонидан жойларда тадбиркорлик субъектлари иштирокида очиқ мулоқот тарзида давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда тадбиркорлик субъектларига "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва бошқа текширишларни тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар моҳияти тўғрисида тушунчалар берилди.

Текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ва Кенгаш қарорларининг ижроси, режали ва режадан ташқари текширишларнинг белгиланган муддатларда ташкил этилиши, амалда бажарилиши ва уларнинг самарадорлигини назорат қилиш мақсадида назорат органларида доимий ўрганишлар ўтказилмоқда.

**Марат ХИДИРОВ,**
Тошкент шаҳар ДСБ бўлим бошлиғи

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиалида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 7 ноябрдаги ХБ-340/11-сонли буйруғига асосан Қашқадарё вилоят Ғузор тумани Ғузор шаҳри Хўжағузор МФЙ Ўзбекистон кўчасида жойлашган Ғузор туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига қарашли умумий ер майдони 1004,48 кв.м., фойдали майдони 497,36 кв.м., бошланғич баҳоси — 54 939 502 сўм бўлган, маъмурий бино ва ёрдамчи бинолари (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Ғузор тумани молия бўлими

Балансда сақловчининг ихтисослиги: иқтисод

"Объект"нинг танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

— 54 939 502 сўмдан кам бўлмаган, энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш;

— янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш бўйича бизнес режаси тақдим этиш.

Танлов таклифларини тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да амалга оширилади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилиш: 2012 йил 14 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдолари 2013 йил 4 ва 22 январь ҳамда 8 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 4 январдаги савдо учун 2013 йил 3 январь куни соат 18:00; 2013 йил 22 январдаги савдо учун 2013 йил 18 январь куни соат 18:00; 2013 йил 8 февралдаги савдо учун 2013 йил 7 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни савдо ташкилотчиси "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KMSX" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатларини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 (йигирма) кун муддат ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Қашқадарё в. Қарши ш. М.Абдуллаева кўчаси 20-уй, "Қашқадарё мулк Маркази" МЧЖ биноси. телефон/факс: (8-375) 225-44-58, расмий сайтимиз: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия:№RR 0001.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

***Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 64-КОС-сонли буйруғига ва 2012 йил 7 ноябрдаги аукцион комиссиясининг 33-сонли баённомасига асосан қуйидаги давлат активлари қўйилмоқда:***

Хива туман ҳокимлигининг "Касаначиликни ривожлантириш" бўлими ҳисобидаги, Хива туман Журён қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 293,88 кв.м. Бошланғич баҳоси- 126 100 000 сўм бўлган эски фуқаролар йиғини уйи биноси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. (фаолият турини сақламаган ҳолда)

Давлат активини балансда сақловчи: Хива туман ҳокимлигининг "Касаначиликни ривожлантириш" бўлими

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Бошқарув

Ер участкасининг умумий майдони 293,88 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 293,88 кв.м.

Аукцион савдолари 2012 йил 26 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Акуцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Урганч ш. Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда бўлиб ўтади. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: (8-373) 226-32-63 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

# Банк хизматларидан мамнунмиз

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг биз тадбиркорларга иш фаолиятимизни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида мен тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим ва катта муваффақиятларга эришдим. Тадбиркорликда эришган муваффақиятларимга, албатта, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоасининг ёрдамини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бизнинг корхона ҳисоб рақами "Асака" банк Бухоро вилоят филиалида очилган. Корхонамиз транспорт хизматлари кўрсатишга ихтисослашган. "Асака" банкда мижозларга хизмат кўрсатиш тезкор ва юқори даражада йўлга қўйилган. Биз ўзимизнинг молиявий масалаларимизни банк билан бирга тез муддатда ҳал қилишга ўрганганмиз.

Кўҳна ва навқирон Бухоро шаҳри аҳолисига, шу жумладан, шаҳримизга ташриф буюраётган меҳмонларга транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Исузу" автобусларини олишни ният қилдик ва ниятимизни амалга ошириш учун "Асака" банк Бухоро вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, ҳал этиб бердилар. Банк кредитлари ҳисобига 10 дона "Исузу" автобуслари олдик. Ҳозирда "Исузу" автобуслари Бухоро шаҳри йўлларида аҳолига ва шаҳримизга ташриф буюрган меҳмонларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширилиши натижасида 24 нафар янги иш ўринлари яратилиб, шундан 10 нафарига коллеж битирувчилари ишга қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биз "Асака" жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларга 2012 йил "Мустаҳкам оила йили"да юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасида олиб бораётган ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Жонибек САИДОВ,**
«Жаҳонгир Жонибек Транс Сервис»
МЧЖ раҳбари

## «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади!

Очиқ "Аукцион" савдоларига Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясининг 2012 йил 2 ноябрь кунги 293,294 ва 296-сонли хатларига асосан қуйидаги "улуш"лар қўйилмоқда:

1. Учкўприк тумани "Сахий инсонлар мурувватi" масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 25 фоиз улуши. Улушнинг бошланғич баҳоси 31 663 235 сўм.

2. Қува тумани "Қува Универсал Инвест" (собиқ Қува туман "Матлуботсавдо") масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 25 фоиз улуши пасайтирилган қийматда. Улушнинг бошланғич баҳоси 69 648 093 сўм 90 тийин.

3. Қўштепа тумани "Қўштепа Савдо Инвест" (собиқ Қўштепа туман "Матлуботсавдо") масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 35,09 фоиз улуши пасайтирилган қийматда. Улушнинг бошланғич баҳоси 126 059 389 сўм 20 тийин.

4. Қўштепа туман "Нон ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 44,005 фоиз улуши пасайтирилган қийматда. Улушнинг бошланғич баҳоси 57 742 116 сўм 30 тийин.

5. Қува туман "Тайёрловсавдо" масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 25 фоиз улуши пасайтирилган қийматда. Улушнинг бошланғич баҳоси 13 759 848 сўм 90 тийин.

6. Қува туман "Нон ишлаб чиқариш" масъулияти чекланган жамиятидаги вилоят "Матлуботсавдо"нинг 25 фоиз улуши пасайтирилган қийматда. Улушнинг бошланғич баҳоси 24 519 576 сўм 60 тийин.

7. Қувасой шаҳар "Қувасой Баракали Савдоси" масъулияти чекланган жамияти балансидаги "Марказий омборхона" вилоят "Матлуботсавдо"нинг 25 фоиз улуши. Улушнинг бошланғич баҳоси 202 419 775 сўм.

Очиқ "Аукцион" савдолари 2012 йил 14 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати 2012 йил 12 декабрь куни соат 17:00.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акционерлик компаниясида бевосита танишишлари мумкин.

Очиқ "Аукцион" савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 14 ноябрдан бошлаб ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур кўчмас мулк 2012 йил 14 декабрь куни сотилмаганда тақдирда такрорий очиқ "аукцион" савдоси 2013 йил 16 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати 2013 йил 14 январь куни соат 17:00.

Очиқ "Аукцион" савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида мулк номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реквизитлари: ИНН 302128329, МФО 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ.

Почта манзили. Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, 24-хона. Тел.+ 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.

# Аукцион савдолари хабарномаси!

BV Trade service

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган қуйидаги савдоларга таклиф этади. "АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қавати)да бўлиб ўтади.

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шаҳар ва туманлардаги ташкилотлар устав фондидаги улушлари такрорий "Аукцион" савдоларига чиқарилади. Мазкур такрорий "Аукцион" савдолари 2012 йил 18 декабрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.

1-ЛОТ. "Когонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 64 790 525 (Олтмиш тўрт миллион етти юз тўқсон минг беш юз йигирма беш) сўм;

2-ЛОТ. "Олотматлуботсавдо" очиқ акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 18 725 970 (Ўн саккиз миллион етти юз йигирма беш минг тўққиз юз етмиш) сўм;

3-ЛОТ. "Ромитанматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 42 935 260 (Қирқ икки миллион тўққиз юз ўттиз беш минг икки юз олтмиш) сўм;

4-ЛОТ. "Пешкуматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 16 716 667 (Ўн олти миллион еттиз юз ўн олти минг олти юз олтмиш етти) сўм;

5-ЛОТ. "Вобкентматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 19 648 700 (Ўн тўққиз миллион олти юз қирқ саккиз минг етти юз) сўм;

6-ЛОТ. "Гиждувонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 202 607 248 (Икки юз икки миллион олти юз етти минг икки юз қирқ саккиз) сўм;

7-ЛОТ. "Жондорматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси 3 540 800 (Уч миллион беш юз қирқ минг саккиз юз) сўм;

Закалат пули миқдори юқоридаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида ғолиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукуцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР 301480431, МФО 00120 ДАТ Асака банки Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 20208000504828225001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (3-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvrtradeservice@mail.ru

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Жиззах вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 ноябрдаги 75 ва 76-сонли буйруқларига асосан қуйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

1. "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли, Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳри манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси — 121 524 524 сўм бўлган қурилиши тугалланмаган 100 ўринли ошхона ва 50 ўринли чойхона биноси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда. (фаолияти савдо ва маиший хизмат кўрсатиш).

Қўшимча 50 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

Ер участкасининг умумий майдони 3566 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдаланиш майдони 646,38 кв.м.

2. "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси"га қарашли, Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳри манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси — 87 719 265 сўм бўлган қурилиши тугалланмаган савдо дўкони биноси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда. (фаолияти савдо ва маиший хизмат кўрсатиш).

Қўшимча 50 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

Ер участкасининг умумий майдони 918 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдаланиш майдони 449,88 кв.м.

Давлат активларини балансда сақловчи: "Навоий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий коң бошқармаси.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Кончилик.

Танлов савдолари 2012 йил 20 декабрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 декабрь куни соат 12:00да тўхтатилади. 2012 йил 20 декабрь куни ўтказиладиган очиқ танлов савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 4, 22 январь ва 8 февраль кунлари "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида соат 15:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати, савдо бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KMSX" МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека-банк" Жиззах вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишини таъминлайди.

Танлов савдолари манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уйда бўлиб ўтади. Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Тел.: (8-372) 222-34-16. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия: RR-0001.**

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига «ноль» қийматида сотиш бўйича танлов эълон қилади!

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат мулкини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йиллар учун давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги ПҚ1743-сонли қарорига ва Давлат тендер комиссиясининг 2012 йил 23 октябрдаги 02-8-36-сонли йиғилиш баённинг 1.1.1-бандига мувофиқ ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари ҳамда инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган ишламаётган, бўш турган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига "ноль" қийматида сотиш бўйича танлов эълон қилади.

**Танловга қўйилган объектлар ва уларнинг сотилиш шартлари**

| № | Корхона ва объектлар номи | Жойлашган манзили | Фаолият йўналиши | Инвестиция мажбуриятлари энг кам миқдори ( минг АҚШ доллари) | Инвестиция мажбуриятларининнинг бажарилиш муддати (йил) | Янги ташкил қилинадиган ишчи ўринлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тугатилган "Боғоттекс" ОАЖга қарашли бино ва иншоотлари | Боғот тумани Боғот шаҳарчаси | Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш | 200 | 2 | 50 |
| 2 | Тугатилган "Бўстон мевалари" қўшма корхонасининг мулкий мажмуаси | Янгибозор тумани Қаландардурман қишлоғи | Ишлаб чиқариш | 180 | 2 | 40 |

**Танлов ўтказиш санаси:** 2013 йил 15 январ соат 11:00.

Талабгорлардан аризалар тушмаган объектлар савдоларни такроран ўтказиш санаси 2013 йил 15 февраль ва 15 март кунлари.

**Танлов ўтказиш манзили:** Урганч шаҳри Ал-хоразмий кўчаси 30-уй.

Давлат мулки қўмитаси Хоразм ҳудудий бошқармаси биноси.

**Танловнинг қўшимча шартлари:**

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объекти бўйича белгиланган энг кам инвестиция мажбуриятидан кам бўлмаган миқдорда активлар, шу жумладан, пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун ҳудудий танлов комиссиясига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — Низом, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, охирги ҳисобот даври (чорак, йил)даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор хулосаси нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан тўловга лаёқатлилиги ҳақида маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги;

хомашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара;

сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Танловда иштирок этишни истаган шахслар Хоразм вилоят ҳудудий танлов комиссиясига ва Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Танлов савдоларида қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Давлат мулки қўмитасининг (8-371) 259-21-79, 259-21-37 ишонч телефонларига ва info@gki.uz, hususiylashtirish@mail.ru электрон почта манзилларига хабар қилишингиз ёки Давлат мулки қўмитасининг Хоразм ҳудудий бошқармасининг телефон рақамларига қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

**Мурожаат учун телефонлар: 8 (362) 226-16-55, 226-31-55, 226-81-66.**

# Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

## Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2012 йил 18 декабрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини олишга таклиф этади!

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- энг камида иловада келтирилган миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш;

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров сумmаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2012 йил 18 декабрь куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"а"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-22-98

### Оммавий оферта савдодаларига чиқарилаётган давлат объектлари ва улушлари рўйхати

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | Савдога чиқарилган нархи | Инвестиция мажбурияти (сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ТТЗ ОАЖ тасарруфида бўлган, "Гўшт-сут" савдо дўкони | 239,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзеси, 33а-уй | "ТТЗ" ОАЖ | 173 983 642,43 | 29 000 000 | 1 йил |
| 2 | Физиклар уйи | 2 590,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси | Ядро физикаси институти | 1 656 605 811,95 | 276 500 000 | 1 йил |
| 3 | Лаборатория биноси | 1 245,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй | Электроника институти | 1 042 420 915,74 | 174 000 000 | 1 йил |
| 4 | Ошхона биноси | 534,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй | Энергитика ва автоматика | 454 427 818,20 | 76 000 000 | 1 йил |
| 5 | Ёрдамчи биноси | 121,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй | Энергитика ва автоматика | 84 451 635,44 | 14 500 000 | 1 йил |
| 6 | Ёрдамчи биноси | 40,00 | Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй | Энергитика ва автоматика | 33 892 931,86 | 6 000 000 | 1 йил |
| 7 | Ишлаб чиқариш биноси (қурилиши тугалланмаган бино) | 8 231,00 | Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй | Математика ва инф. тех. Институти | 3 499 609 262,00 | 1 050 000 000 | 3 йил |
| 8 | "Tayyorlov savdo" МЧЖ | 28,91% давлат улуши | Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй | - | 1 486 370 095,00 | - | - |
| 9 | Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари | 6 383,00 | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 6 169 416 246,00 | 1 850 800 000 | 1 йил |
| 10 | Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари | 2 590,00 | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 3 367 093 747,00 | 1 010 000 000 | 1 йил |
| 11 | Қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корпуси | 3 444,00 | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | 1 350 892 000,00 | 405 200 000 | 1 йил |

***Ҳалол меҳнат қилиб, инсонларга беғараз муносабатда бўлган одамгина эл олдида обрў-эътибор қозонади. Унинг амалга оширган савобли ишлари юксак қадрланади. 28 йиллан зиёдроқ умрини қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Назарова Альбина Яковлевна бугун қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.***

# Меҳнат нашидаси



У фаолияти давомида Республика прокуратурасида бўлим маслаҳатчиси, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси, Ҳамза ҳамда Юнусобод туманлари прокурорларининг ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва изланувчанлиги билан ҳамкасблари меҳрини қозонган Альбина Назарова, ишлаш даврида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этган.

Унинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Альбина Яковлевна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

***Аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлгани боис, юртимизда бу борада кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.***

# Ҳуқуқий тарғибот – давр талаби

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Ниқуқ»

Миллий Матбуот марказида "Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат йўналишида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда парламент, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ходимлари, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда юридик коллежи профессор-ўқитувчилари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолаётгани, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбияни янада такомиллаштириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилангани, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни беқиёс эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат соҳасида амалга оширилган ишларнинг таҳлил қилинаётгани, бу масалага тегишли кўрсатма, қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилаётганига тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, Адлия органлари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, Миллий дастур ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар ҳам қайд этилди.

Тадбир якунида журналистларга мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши юзасидан белгиланган вазифалар, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, юридик адабиётлар нашри билан боғлиқ масалаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Наманган вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Вохитхон САБИТУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

AFC U-19 CHAMPIONSHIP

# Ёшларимиз ҳам ЖЧда ўйнайди

***Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2013 йилда бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати йўлланмаси ва Осиё чемпионлигини қўлга киритган эди. Ноябрь ойининг бошида старт олган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муносиб иштирок этаётган Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам Туркия давлати мезбонлик қиладиган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати чиптасини нақд қилишди.***

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
«Ниқуқ»

Дастлабки ўйинни вьетнамлик тенгдошларига қарши ўтказган ёшларимиз 4:0 ҳисобида ишончли тарзда ғалабага эришдилар.

Гуруҳ баҳсининг 2-турида вакилларимизни анчайин жиддий рақиб кутиб турарди. Иорданияликлар дастлабки учрашувда амалдаги чемпион — Шимолий Корея ёшлар терма жамоаси билан дуранг ўйнаб, бизнинг ёшларни ҳам анча хушёр тортишга чақирган эдилар. Шунга яраша ўйин ҳам қийин кечди.

Бир нарсани таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда турли ёшлардаги терма жамоаларимизда футболда энг керакли бўлган ўз кучига ишонч ва ирода шаклланиб бормоқда. Ёдингизда бўлса, ўсмирларимиз ҳам бир қатор ўйинларда олдинига тўп ўтказиб юбориб, кейин иродали ғалабага эришган эдилар. Ёшларимиз иштирокидаги ўйинларда ҳам худди шундай ҳолатларнинг гувоҳига айландик.

Жумладан, иорданиялик ёшларга қарши майдонга чиққан вакилларимиз ўйиннинг 49-дақиқасида ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишди. Орадан 10 дақиқа ўтар-ўтмас, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари ҳисобни тенглаштиришди. Аммо кўп ўтмай рақиблар стандарт вазиятни амалга оширишди ва Сардор Раҳмонов ўз дарвозасини ишғол қилиб қўйди. Шундан кейин ўзбекистонлик ёшлар Иордания терма жамоаси дарвозаси олдида бирин-кетин хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Бироқ ҳисоб ўйинга қўшиб берилган дақиқалардагина тенглаштирилди.

Учинчи тур олдидан терма жамоамизнинг гуруҳдан чиқиш масаласи жуда мураккаб аҳволга келиб қолган эди. Тўғри, дуранг натижа ҳам параллел равишда кечган ўйинда қайд этилган ҳисобдан келиб чиқиб, ёшларимизни кейинги босқичга олиб чиқиши мумкин эди. Аммо Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўз кучи ва иродаси эвазига гуруҳдан чиқиш масаласини ҳал этди. Шимолий Корея ёшлар терма жамоаси билан кечган ўйинда ўзбекистонлик ёшлар ўзларининг энг яхши ўйинларидан бирини намойиш этишди. Тўғри, учрашувнинг дастлабки 15-20 дақиқаси давомида рақиблар Асилбек Омонов дарвозаси олдида бир қатор хавфли вазиятларни вужудга келтириб, ҳимоячиларимизга каттагина бош оғриғи бўлишди. Аммо ана шу босимни енгиб олган Аҳмаджон Мусаевнинг шогирдлари қолган дақиқаларда ажойиб ўйин кўрсатишди. Айниқса, иккинчи бўлимда терма жамоамиз аъзолари ҳужумкор футбол кўрсатиб, якунда 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Гуруҳ пешқадами сифатида кейинги босқичга йўл олган вакилларимизни Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун баҳсда мусобақада ёрқин ўйин кўрсатаётган сурияликлик тенгдошлари кутиб турарди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқасидаёқ ҳужумга ташланган футболчиларимиз жарима зарбаси ишлаб олишди. Козакнинг жаримадан йўллаган зарбаси жонли деворга тегиб, майдонни тарк этди. Бурчак тўпидан сўнг сурияликлар хавфни бартараф қилишди. Кейинги дақиқада сурияликлар ўнг қанотдан ҳужум ташкил қилишди. Бироқ ҳимоячиларимиз ишончли ўйнашди. 4-дақиқада Юсупов боши билан рақиб дарвозаси томон зарба берди, аммо мўлжалда адашди.

Шундан сўнг, сурияликларнинг ҳужумлари кескин тус ола бошлади. Негадир бизнинг футболчилар ортиқча куч йўқотмасликка ҳаракат қилаётгандек кўринишди. Асосан рақиб ҳужумларини бартараф этиб, тўпни кўпроқ ўзларида ушлаб туришга уринишди. Рақиблар эса борган сари Омонов дарвозаси олдида хавфли вазиятларни кўпроқ вужудга келтиришарди. Натижада учрашувнинг 38-дақиқасига келиб, сурриялик футболчилар ҳисобни очишди.









Орадан кўп вақт ўтмай вакилларимиз бурчак зарбаси ишлаб олишди ва Искандаровнинг тўп оширишидан сўнг терма жамоамиз тўпурари Игор Сергеев ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлимнинг ўзида ҳисобдаги фарқни йўққа чиқарган ёшларимиз бироз бўшашишганликлари сабаб, рақиб футболчисининг жарима майдонига кириб келишига имкон яратиб беришди. Тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборишда қандайдир сонияларга кечиккан Сардор Раҳмоновнинг хатти-ҳаракати пенальти белгиланиши билан якунланди. 11 метрлик жарима зарбасини эса сурриялик тўпурар футболчи аниқ амалга оширди.

Иккинчи бўлимда Аҳмаджон Мусаев шогирдлари ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда ҳужумкорликни оширишди. Умуман олганда, ёшларимиз ўз ўйинлари билан ўзларининг иккинчи бўлим жамоаси эканликларини кўрсатишяпти. Улар ҳар бир учрашувнинг иккинчи бўлимини ажойиб тарзда ўтказишмоқда. Бунинг натижасида рақиблар иккинчи бўлимда ўзбекистонлик ёшларга қаршилик кўрсатишда катта муаммоларга дуч келишмоқда. Кетма-кет ташкил этилган ҳужумлар бесамар кетмади. Учрашувнинг 75-дақиқасида захирадан ўйинга қўшилган Ихтиёр Тошпўлатов Жамшид Искандаров томонидан етказиб берилган тўпни рақиб дарвозасига томон тўғрилаб қўйди.

Ўйиннинг асосий вақтида томонлар муроса кўчасини танлашгач, қўшимча бўлимларга рухсат берилди. Қўшимча 30 дақиқалик баҳсда ҳам кучлар тенг келгач, ғолиб жамоа номини пенальтилар сериясида аниқлашга тўғри келди.

Ўзига хос футбол лотереясида омад бизнинг футболчиларга кулиб боқди. Тўғрироғи, аввалги ўйинларда танқид остига олинган дарвозабонимиз Асилбек Омонов қаҳрамонлик кўрсатди. Эътибор беринг, рақиблар пенальтилар сериясида Омонов қўриқлаётган дарвозани бирор марта ҳам ишғол қила олишмади. Шу тариқа ёшларимиз Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди.

**Ўзбекистон U19 — Сурия U19** — 2:2 (1:2) Пенальтилар серияси: 3:0


**Huquq**
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[T] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5730. 45 847 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.